160496

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 13 апрель, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 26 (6723)

Даъват

Надоматдан аввал матонатни ихтиёр қилувчилар ҳеч бир таҳлика ва азобга дучор ўлмаслар.

АФЛОТУН

Ибрат

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтидаги «Ижодкор» талабалар тўгараги аъзолари илмий анжуман ўтказдилар. Маърузалари энг яхши деб топилган талабаларни хомий ташкилот — Навоий вилояти Хатирчи туманидаги «Ветеран-ҳамроҳ» кичик корхонаси пул мукофотлари билан тақдирлади.

Олийҳиммат кишилар

МАКТАБПАРВАР ФЕРМЕР

Баҳром Пайшановни бўкаликлар фахр билан тилган олиб, ишбилармон, бобо деҳқон, хўжалик юритиш устаси сифатларини унинг номига қўшиб эъзозлашади. Эндиликда Б. Пайшанов фазилатларини ифодаловчи яна бир сифат — мактабпарвар сўзи ҳам қўшилди. «Нега? Қайси хизматлари ва ҳимматлари учун?» деган савол туғилиши табиий. Саволга жавобни Бўка туман халқ таълими бўлимининг мудири Т. Габидуллин шундай шарҳлади:

— Ўтган ойда «Мустақил Ўзбекистон» жамоа хўжалигидаги «Дилшод» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Пайшанов ҳузуримга келиб, мактаблар ўқувчилари ва болалар боғчалари тарбияланувчиларига спорт кийими комплектлари, кекса маорифчиларга пул мукофотлари совға қилмоқчилигини маълум қилди. Қўллаб-қувватладик. Катта йиғилиш ташкил этиб, фермерни унга таклиф қилдик. У йиғилганларни Наврўз билан табриклади ва совғаларини тақдим этди. 12 та мактабга, 4 та болалар боғчасига, лицей ва болалар уйига 200 та эркаклар гарнитури, 1000 та спорт формаси, мактаб ва боғча хизматчиларига аёллар халатлари тақсимлаб берилди.

Йиғилишда Баҳром Пайшанов туманимиздаги кекса маорифчиларидан 10 кишининг ҳар бирига 1000 (минг) сўмдан пул мукофотларини ҳам топширди. Ана шу кундан эътиборан унинг номи ёнига мактабпарвар атамаси ҳам қўшилди.

«Дилшод» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Пайшанов мактабпарварликни бундан буён ҳам муттасил давом эттириш ниятида. У муттасил аъло ўқиган ўғил-қизлардан 100 нафарига янги ўқув йилидан бошлаб 200 сўмдан стипендия жорий этишга қарор қилди. Шунингдек, у ўзи яшаб турган «Мустақил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ҳудудидаги 7, 8, 9-мактабларнинг таълим-тарбия ишида энг юқори кўрсаткичларга эришган, изланувчан ва ижодкор ўқитувчиларига ҳам хўжалигининг 1996 йил даромадидан ҳар бир мактаб учун биттадан она-бола сигир, пул мукофоти беришга ваъда қилди.

Ҳимматингизга балли, мактабпарвар фермер!

М. РАҲМОНОВ.



Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги М. Дадажонов номли 4-ўрта мактабда таълим-тарбия ишлари намунали йўлга қўйилган. Ўқувчиларга фан асослари чуқур ўргатилаётир. Тажрибали, изланувчан химия фани муаллими Халил Худойбердиев машғулотларни назария билан амалиётни узвий боғлаган ҳола ўтаётганлиги туфайли ўқувчиларнинг мазкур фанга қизиқиши ортмоқда.

Суратда: Х. Худойбердиев навбатдаги мавзуни тушунтирмоқда.

Б. НОРҚУЛОВ сурати.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Японияниг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Укеру Магосакини қабул қилди.

⊛ 11 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга мамлакатимиздаги Туркманистоннинг фавқулодда ва Мухтор элчиси Султон Пирмуҳаммедов, Бангладеш Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Сайид Хожа Шаржил Ҳасан, Аргентина Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Арнольд Мануэль Листре ишонч ёрлиғини топширди.

⊛ Дунё иқтисодий форуми (Давос, Швейцария)нинг «Worldlink» жунали ўзининг шу йилги март-апрель сонида Ўзбекистонга бағишланган мақолалар туркумини чоп этди.

⊛ Россиянинг миллатлар ишлари бўйича вазири В. Михайловнинг хабар беришича, ҳозир Татаристон Президенти вакиллари Жохар Дудаев билан алоқани йўлга қўйишмоқда.

⊛ Татаристон бундан саккиз ой илгари Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати томонидан ушланган ИЛ-76 самолётининг етти нафар учувчисини озод қилиш борасидаги музокараларни қайтадан бошлашга киришди.

⊛ ГФРда ишсизлар сони тўрт миллиондан ошиб кетди. Бу ишга яроқлиларнинг 10,8 фоизини ташкил этади.

⊛ Апрель ойининг 19-20 кунлари Москвада «катта саккизлик»нинг ядро хавфсизлиги бўйича мажлиси бўлиб ўтади. АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг бу мажлисдан сўнг бир кун қолиб, Россия—Америка музокараларини олиб бориши кутилмоқда.

⊛ Туркия шарқида турк хавфсизлик кучлари ва курдлар ўртасидаги тўқнашувлар авжига чиқмоқда.

Қаҳ-қаҳ жаранглади,
куй жаранглади,
Зимистон дилга ҳам
бахш этиб зиё.
Баҳор нафосати
оҳангга кўчиб,
Бир нафас қўшиққа
айланди дунё.

... Ҳа, шунақа бўлди. Бугунги баҳор нафосати оҳангларга айланди. «Дилхирож» дилларга айрича завқ-шавқ бахш этди. «Баҳор вальси» гўзалликнинг бокира сирларини фош қилиб қўйди. «Узбекистон — Ватаним» дея жўшиб куйлаётган анави болакай тингловчилар қалбида Ватан туйғусини жўштириб қўйди. Қаерда бўлди ва нима бўлди, демоқчимисиз? Билмасангиз, билиб қўйинг.

ҚЎШИҚҚА АЙЛАНДИ ДУНЁ...

Куни кеча Чилонзор туманида «Илҳом чашмалари — 96» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ушбу танловга тумандаги қатор мактаблар қошидаги санъат дасталари, шунингдек Болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази ўқувчилари фаол қатнашдилар. Танлов ростдан ҳам юқоридаги тавсифларга ҳамоҳанг бўлиб ўтди. Айниқса, ўзбек миллий рақсида товусдек хиром этаётган ўрис қизларини кўрсангиз, «Мария — Мукаррама»га айланганлигига амин бўлардингиз. Ҳа, дарвоқе, ушбу танловда тумандаги 182-мактаб доирачилар гуруҳи, «Гулдаста» жамоаси, дуторчи қизлар дастаси, Болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази ўқувчилари танлов ҳакамлари томонидан юқори баҳоланди.

Алишер НАЗАРОВ,
«Маърифат» мухбири.

ШОВҚИН СОЛИШ БЕҲУДА

Ўзбекистон жумҳуриятининг мустақиликка эришганига беш йил тўлди. Мана шу йиллар давомида давлатимиз барча соҳаларда катта муваффақиятларга эришиб, бозор иқтисодиёти шароитидаги бутун қийинчиликларни енгиб, халқнинг моддий ва маънавий жиҳатдан нормал яшаши учун қулайликлар яратиш ҳақида қайғурмоқда. Ҳозирги кунда Россия Давлат Думасининг кўтариб чиққан шов-шувлари, яъни собиқ Иттифоқни қайтадан ташкил қилиш борасидаги коммунистларнинг уринишлари ақлга сиғмайдиган гап.

Президентимиз Ислом Каримовнинг олиб бораётган сиёсатини тўғри деб ҳисоблаймиз ва қуллаб-қувватлаймиз. Россия Думасининг сиёсати ўткинчидир. Биз ўз мустақиллигимизни ҳеч нарсага алмашмаймиз.

Б. БОЙТИЕВ,
Ч. РАЖАБОВА,
Тўрткўл шаҳридаги
4-ўрта мактаб ўқитувчилари.

Муносабат

АЪЛОЧИ ТАЛАБАЛАР ФИКРИ

Аълочи ўқувчи, аълочи талаба, аълочи аспирант... Ҳаётда ўз ўрнини топган даврнинг аъло кишилари! Аълочи деганда кўз ўнгимизда ўқишда, ишда, хулқ атворда бошқаларга ўрнак бўладиган фидойи йигит-қизлар келади. Уларнинг ўз тенгдоши, курсдош ва синфдош дўстларидан фарқи оддий: кечаларни кўпроқ уйқусиз ўтказиб, тинимсиз илм-фан билан машғул бўлганликларида. Инсон ўз хулқ-атворини ўзи тарбиялаб, умри давомида такомилликка етказса, бу унинг бахти.

Даврнинг пешқадамлари сифатида аълочилар омма турмуш-тарзи, дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатади. Бугунги кунда ҳам бозорма — бозор чопмай илм этагидан тутган аълочи талабалар, ўқувчилар ҳар бир илм масканида топилади. Тошкент давлат университети ҳам ўзининг 738 нафар аълочи талабасига эга. Ўқишда фаол, намунали одобга эга бўлган бундай талабалар университетда 27,3 фоизни ташкил этади.

Куни кеча университет маданият саройида «аълочиларнинг аълочиси» бўлган 65 нафар президент ва университет стипендиятлари билан олий ўқув юрти раҳбарияти, проректорлар, факультет деканларининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

«Мажлисни ўтказишдан асосий мақсад, — дейди университет ректорлик вазифасини бажарувчи, академик Турабек Долимов, — аълочиларимизни, умуман талабаларимизни бугунги кунда қандай муаммолар ўйлантирмоқда ва ана шу муаммолар ечимини излаб топишдир».

Мажлисда сўзга чиққан талабалар Россия Давлат Думаси чиқарган қарорга ўзларининг кескин муносабатларини билдиришди.Бу собиқ Иттифоқ давридаги тузумни қўмсаган коммунистларнинг найрангбозлигидир, дейишди улар. Йиғилишда факультетлардаги ўқитиш усуллари, ахлоқ-одоб ва университет кутубхонасидан фойдаланиш масалалари ҳам муҳокама этилди. Йиғилишда аълочи талабалар ўз ташаббуслари билан чиқишиб, университет ЁИ қошида ўзларининг доимий кенгашларини тузишга келишиб олишди. Мажлис сўнгида аълочи талабаларни университет раҳбарияти турли китоблар билан тақдирлади.

Н. ОЧИЛОВ.

Тажриба, синов, натижа

АДОЛАТЛИ БАҲОЛАШ УСУЛИ

Бизнинг 21-»Шодлик» иқтидорли болалар бошланғич таълим мактабида ўқувчи ва ўқитувчилар билими ҳамда фаолиятларини тест-рейтинг усулида «балли» баҳолашни тажриба тариқасида синаб кўрилмоқда.

Ўқувчилар билимини илгари «5», «4», «3», «2» баҳолар билан баҳолаб келган бўлсак, эндиликда тест-рейтинг усулида кўп тизимли, балли, яъни ўқувчи нутқига ва ёзувига, тестдан олган натижаси, ёзма иши, дарсда ўзини тутиши, ҳулқи, одоби, тозалигига эътиборни қаратиб, унинг бутун фаолиятини баҳолаб бораяпмиз. Бу эса ўқувчиларни аъло ўқиш билан бирга тартибли, саранжом-саришталли, сермулоҳазали бўлишга, мустақил ва эркин фикрлай олишга ундаётир.

Мактабимизда ўтказилган тажрибанинг дастлабки натижалари баҳо тизимида ижобий ўзгаришлар бўлганини кўрсатмоқда. Масалан, иккинчи чоракда ўқувчиларнинг 69 фоизи аълога ўзлаштирган бўлса, балли тизимга ўтгандан сўнг учинчи чорак охирида аълога ўзлаштириш 87 фоизни ташкил этди.

Биз ўз тажрибаларимиздан келиб чиқиб, тест-рейтинг тизими мактабда таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйишга, республикамиз келажаги учун соғлом, баркамол, билимдон авлодни етказиб беришга мос келадиган усуллардан биридир, деган хулосага келдик. Бу усулни барча ўқитувчилар ўз фаолиятларида жорий этсалар яхши бўлади, деб ўйлаймиз.

О. БОЗОРОВА,
Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманидаги «Шодлик» мактаби директори, олий тоифали ўқитувчи.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун амалда

АМАЛИЙ ИШ — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

***ТАНИШИНГ:** бугунги давра суҳбати қатнашчилари Навоий шаҳар халқ таълими бўлими мудири Абдуғани САДИНОВ, вилоят халқ таълими бошқармаси етакчи мутахассиси Бобонур НОРТОЖИЕВ, вилоят халқ таълими бошқармаси ўрта умумий таълим мактаблар бўлими бошлиғи Нозима ТОҒАЕВА ва Навоий шаҳар ҳокимининг маданиятмаориф бўйича ўринбосари Сергей ЛАТИПОВлардир. Суҳбатимиз «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси, ҳокимиятнинг халқ таълимига раҳбарлиги хусусида бўлди. Суҳбатни Навоий шаҳар халқ таълими бўлимининг мудири Абдуғани САДИНОВ бошлаб берди:*

— Навоий шаҳар халқ таълими бўлими Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунини амалда татбиқ этиш, шу асосда янгича иш услубларини яратиш бўйича бир қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда. Аввало барча халқ таълими муассасаларида Қонунни чуқур ўрганиш ташкил этилди. Ана шу мақсадда ҳар ойда икки маротаба назоратчи-услубшунослар учун ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш муаммоларини ўрганишга доир педагогик ўқиш ташкил қилинди.

Мазкур ўқув йилида шаҳардаги мавжуд 18 та мактабда 19518 нафар ўқувчи билим олмоқда. 1271 нафар педагог таълим-тарбия жараёнига жалб қилинган «Иқтидорли болалар» синов дастури бўйича иш олиб бораётир. Таълим-тарбиянинг инсонпарварлигига эришув бош мақсаддир. Шу боисдан умуминсоний қадриятлар ва миллий маданият асосларини эътиборда тутган ҳолда халқ таълими мазмунини миллий мафкура асосида олиб бораяпмиз. Ижодкор ва истеъдодли ёшлар қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, тўрт нафар аълочи ўқувчи Улуғбек номидаги стипендияни олмоқда.

Таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълимни компьютерлаштириш ва ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни олиб кириш — давр талабига айланиб қолмоқда. Шаҳардаги барча мактаблар жами 235 та замонавий ЭВМ компьютерлари билан жиҳозланган. 4-гимназияда 3 та компьютер хонаси мавжуд. Ана шу гимназия компьютер ўрганиш бўйича шаҳарда таянч-тажриба илм масканига айлантирилган.

Шаҳар халқ таълими бўлими ўқитишда дифференциаллашган ёндашувни амалда қўллаб, фанларни чуқурлаштириб ўқитиш, иқтидорли ёшлар билан ишлаш ва уларни замон талаблари асосида ўқитишга эътибор билан қарамоқда. Бугунги кунда шаҳардаги мавжуд 18 та мактабда фанлар чуқур ўргатиладиган 75 та синф ташкил этилган бўлиб, уларда 1805 нафар ўқувчи таҳсил оляпти.

Мактабларимизда «Ишонч» синов дастурига суяниб, фанларни ўқитиш ва ихтисосликка йўналтиришда ички раҳбарлик ва назоратга кенг йўл берилган. Ҳар қандай мактаб ўз фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тўла мустақилликка эга. Бугунги кун ўқувчилари билим даражаси диагностик таҳлил этиляпти. Бу эса ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Масалан, ўтган ўқув йили шаҳардаги 4,16, 18-мактаблар битирувчиларининг 79 фоизи, 1-гимназиядан 39 ўқувчининг 36 нафари олий ўқув юртларига киришга муяссар бўлди. 18-мактабдан 14 нафар ўқувчи Новосибирск университетининг физика-математика мактабида, 7 нафар аълочи ўқувчи АҚШ мактабларида таҳсил олмоқда.

Б. НОРТОЖИЕВ: — Иқтисодий манфаатдорлик ҳамиша ижобий натижага олиб келади. Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини касб-ҳунарга йўналтириш ҳар томонлама мақбул йўл ҳисобланади. Чунки ўз ёшига яраша бўлган жисмоний меҳнат ўқувчида таълимга нисбатан янгича руҳ уйғотади.

Навоий шаҳрида ўқувчиларга касб-ҳунар ўргатиш асосан шаҳардаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинати орқали амалга оширилади. Ҳозир бу ерда 1129 нафар ўқувчи 15 турдаги касб-ҳунарни эгалламоқда. Шунингдек, шаҳардаги 3-мактабда ўқувчиларга гиламдўзлик ва дурадгорлик, 13-мактабда эса тикувчилик ва тўқувчилик касблари ўргатилмоқда.

Айрим таълим муассасалари, жумладан, 1, 4-гимназия ва 18-мактабларда 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш мақсадида, «Якшанба мактаблари» ташкил этилган. Уларда шартнома асосида тажрибали мутахассислар машғулотлар олиб боришяпти, болаларга математика, ёзув нутқ ўстириш, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари бўйича инглиз тили, хореографиядан сабоқ беришяпти. Натижада жорий ўқув йилида 1-гимназия ўзининг 150 минг сўм, 13-ўрта мактаб эса 20 минг сўм пул маблағига эга бўлди. Булардан ташқари, шаҳардаги болалар ва ўсмирлар ижодиёти уйи 25 минг сўм, 1-болалар боғчаси 50 минг сўм даромад қилди. Йиғилган маблағларнинг асосий қисми муассасалар моддий базасини янада ривожлантиришга, ўқитувчилар ва ўқувчиларни моддий рағбатлантиришга сарфланди.

МУХБИР: — Навоий шаҳрида замонавий ўқитиш усуллари нимада кў-

(Давоми 2-бетда)

Акс садо

ЮРАКДАГИ МАВЗУ

Яқинда «Маърифат» газетасида чоп этилган А. Обиддиновнинг «Оқработнинг от минган болалари» мақоласи бизнинг мактаб педагогик жамоамизда зўр қизиқиш уйғотди. Чунки ўқитувчиларимиз орасида ҳам кўпкари чопадиганлари анчагина. Ҳозирги кунда Қашқадарё ва Сурхон воҳаларига донғи кетган Жамолхон эшон ҳам бизнинг мактабда таҳсил кўрган.

Хуллас, мактабда мазкур мақолани кенг муҳокамадан ўтказдик ва биз ҳам «Чавандозлик музейи ҳамда «Ёш чавандоз» тўгарагини ташкил этишга қарор қилдик. Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Ахир, мақолада ўзбекнинг юрагидаги мавзулардан бири кўтарилган-да!

Ибодулла АЛИЕВ,
Чироқчи туманидаги Ҳ. Олимжон номли мактаб директори.

МММ — ХАБАРЛАРИ

ИШБИЛАРМОНЛИК ЎЙИНИ

Яқинда Самарқанд шаҳрида ташкил этилган навбатдаги амалий семинар «ишбилармонлик ўйинлари» шаклида ўтказилди. Унда шаҳарнинг ҳар бир туманидан 10 нафар мактаб директори иштирок этиб, уч гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро беллашишди. Беллашув шартига кўра ҳар бир гуруҳ 3 дақиқа ичида тадбир ҳақидаги қисқа тушунчаси, тест асосида ишлаш, педагогик таҳлилнинг моҳияти, синфдан ташқари тадбирларнинг таҳлил технологияси каби амалларни адо этишди.

Темирйўл туманидан А. Шодиев (64-мактаб), Боғишамол туманидан А. Ибодов (8-мактаб) ва Сиёб туманидан О. Маъсумов (56-мактаб) ларнинг гуруҳлари эса, беллашувда яхши «ўйин кўрсатиб», ғолиб бўлишди.

НОН ҲУРМАТИ

Наманган вилоятининг Учқўрғон шаҳридаги 4-ўрта мактабда 5-»А» синф раҳбари М. Жамбуловнинг «Нон — ҳаёт манбаи» мавзуидаги очиқ тарбиявий машғулоти бўлиб ўтди. Унга ота-оналар, маҳалла фахрийлари, қўшни мактаблардан мураббийлар ҳамда синф раҳбарлари ташриф буюришди.

Машғулотда синф раҳбарининг нон ва уни қанчалар эъзозлаш тўғрисидаги мазмундор фикр-мулоҳазалари, қолаверса, Д. Қамбарова, Н. Қўлдошева, И. Хўжаев, С. Тўраев каби ўқувчиларнинг «Кулча нон», «Патир нон» ашулалари, «Нон ҳақида нималарни биласиз» мавзусидаги савол-жавоблар, айниқса, барчага манзур бўлди.

ГАП ЁШДА ЭМАС...

Чироқчи туманидаги 40-тўлиқсиз ўрта мактабда «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзусида беллашув бўлиб ўтди. Унда 9 синфнинг «Камалак» ҳамда 8 синфнинг «Гуллола» гуруҳи ўзаро куч синашди. Буни қарангки, беллашув давомида барча шартлар бўйича «Гуллола» барибир ўз ака-опаларини анча ортда қолдириб, ғолиб деб топилди.

«ТУРОН»НИНГ БАҲОСИ

Қўшработ туманидаги 75-ўрта мактабнинг «Соҳибқирон» ҳамда 18-мактабнинг «Турон» гуруҳи ўртасида бўлиб ўтган беллашув Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланди. Беллашувда жаҳонгир бобомизга аталган шеър, қўшиқлар янгради, кичик саҳна кўринишлари намойиш этилди, Соҳибқирон фаолиятига оид қизиқарли савол-жавоблар ўтказилди. Айниқса, «Турон гуруҳининг «Руҳингиз шод бўлсин, жаҳонгир бобо!» деб номланган мусиқий композицияси барчанинг олқишини олди ва ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳам юқори баҳоланди.

«КИТОБХОН»

Ўзбекистон туманидаги 2-ўрта мактабда «Китобхон» кўрик-танлови ўтказилди. Унда Бешариқ, Данғара, Фурқат, Учқўприк туманлари мактабларининг фаол, изланувчан ўқувчилари ўзаро баҳслашишди. Қизғин мунозара, тортишувлар остида ўтган мазкур беллашувда 2-ўрта мактабнинг «Нур» гуруҳи ғолиб чиқиб, вилоят кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Муаллифлар: Ш. САДРИДДИНЗОДА, А. АБДУҒАНИЕВ, А. НАЗАРОВ, Х. САИДҚУЛОВА, М. ХОЛМАТОВ.

АМАЛИЙ ИШ — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

(Боши 1-бетда).

ринмокда?

А. САДИНОВ: — Бу борада, аввало, бўлимимиз ҳафтада бир кун шаҳар мактабларига мақсадли боришни уюштирди. Бундан мақсад, мутахассислар томонидан мактаблардаги таълим-тарбия ишлари аҳволини ўрганиш, уларга услубий ёрдам кўрсатиш ва шу билан биргаликда мавжуд муаммоларни бартараф этишдан иборат. Тажриба-таянч мактаблари ташкил этганмиз. Бу масканлар ўқитувчилар, халқ таълими бўлими мутахассислари, ёш педагогларнинг фикр алмашадиган жойига айланган. Очиқ дарслар, семинар-кенгашлар, анжуманлар, мунозаралар, анъанавий дарслар ва ижодий ҳисоботлар ташкил этилаяпти. Ўқитишнинг замонавий усуллари таълим-тарбиянинг яхшиланишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

МУХБИР: — Маълумки, Навоий шаҳри кўпмиллатлидир. Бу ерда «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунга қай тариқа амал қилинаяпти ва хорижий тилларга муносабат қандай?

Н. ТОҒАЕВА: — Қонуннинг ижроси бўйича махсус ишчи гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Бу гуруҳ бевосита Навоий шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги «Ўзбек тили маркази» билан узвий ҳамкорликда иш олиб бораётир. Дарҳақиқат, шаҳримизда 86 миллат вакили истиқомат қилади. Бугунги кунда шаҳардаги русийзабон болалар ўқиётган синфларда жами 77 нафар ўзбек тили ўқитувчиси Давлат тилидан сабоқ беряпти. Халқ таълими муассасаларида 47 та ўзбек тилини ўрганиш тўгараклари ва курслари ташкил этилган бўлиб, уларда 3703 нафар ўқувчи тил ўрганмоқда. 285 нафар ўқитувчи бу эзгу ишга бошчилик қилаётир. Шаҳардаги 14 та мактабда Давлат тилининг ўқитилишини таҳлил этиш жараёнида бу билим масканларида «Энг яхши ўзбек тили хонаси», «Энг яхши фан ўқитувчиси», «Мен — таржимон» каби кўрик-танловлар ўтказилаётганлигининг шоҳиди бўлдик. Шунингдек, Қонунни тарғиб этиш ва амалга ошириш мақсадида русийзабон мактаблар учун 1-гимназияда, ўзбек тилида таълим берувчи мактаблар учун эса 10-ўрта мактабда «Тил маркази» ташкил этилган. 4-гимназия бу борада тажриба марказига айланди.

Шаҳримизда 5 та мактабгача тарбия муассасаси мавжуд. Уларда 143 та тарбиячи фаолият кўрсатмоқда. 1, 3, 38 ва 64-болалар боғчаларида экологик тарбия бериш, соғломлаштириш, Давлат тилини ўргатиш билан бир қаторда хорижий тилларни ўргатиш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Инобат Ҳамроева раҳбарлигидаги Муқимий номли 8-ўрта мактабда эса вилоятда биринчи бўлиб француз тилини ўргатиш маркази фаолият кўрсата бошлади. Марказ ишини жонлантиришда Франциянинг Тошкентдаги элчихонаси яқиндан кўмак беряпти.

МУХБИР: — Келажак пойдевори бўлган бугунги ёшлар ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлиши керак...

А. САДИНОВ: — Бермоқчи бўлган саволингиз тушунарли, фикрингизни тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодгина келажак таянчи бўлишини таъкидламоқчиман. Шаҳар халқ таълими бўлими «Соғлом авлод учун» дастури асосида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқди. Бугунги кунда 11-ўрта мактабда республикамизда ягона бўлган ёшларни чақириққача тайёрлаш маркази ташкил этилди. Бундан мақсад, йигитларни она-Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, жисмонан чиниқтиришдир. Қисқаси, бошланғич умумий ҳарбий амалларни ўргатишдан иборат. Шаҳар марказида ўқувчилар ўртасида вақти-вақти билан турли спорт мусобақалари ҳам ўтказилмоқда. Ўтган йили шаҳар ўқувчилари спортнинг кураш тури бўйича ўтказилган республика биринчилигида 1-ўринни олишди. Шунингдек, республика микёсида ўтказилган «Қувноқ стартлар» мусобақасида ҳам ўқувчиларимиз ғолибликни қўлга киритишди.

Умуман олганда, бугунги кунда шаҳардаги мавжуд мактабларда таълим олаётган ўқувчиларнинг 12300 нафари турли спорт секцияларига қатнашмоқда.

С. ЛАТИПОВ: — Шаҳар ҳокимлиги халқ таълими тизимига доимий раҳбарлик қилиб келмоқда. Жумладан, 1991—1995 йиллар давомида шаҳар аҳолиси ўсишини инобатга олган ҳолда 3776 ўқувчига мўлжалланган учта замонавий мактаб бинолари қурилиб, ишга туширилди. Ўзбекистон Президенти Фармонларининг ижросига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада 1535 нафар педагогнинг уйлари шахсий мулк қилиб расмийлаштириб берилди, 52 нафар педагог ходимга ер ажратилди, 1538 нафар ўқитувчи коммунал хўжалик хизматидан имтиёзли тарзда фойдаланмоқда.

Навоий шаҳрида «Меҳрибонлик» уйи ташкил этилди. Чунки бунга маълум эҳтиёж сезилган эди. Унинг очилишида шаҳар ҳокимлиги жонбозлик кўрсатди. Мазкур «Меҳрибонлик» уйига ҳомийлик қилишни Навоий азот ишлаб чиқариш заводи ва тоғ-кон металлургия комбинати ўз зиммаларига олишди. Ўйлайманки, ҳокимият ва маориф ўртасидаги ҳамкорлик, ўзаро ғамхўрлик ва ёрдам бундан кейин ҳам давом этаверади.

Давра суҳбатини «Маърифат»нинг махсус мухбири Норали ОЧИЛОВ ёзиб олди.



Ёш авлод таълим-тарбиясига жиддий эътибор мустақиллик берган энг улуғ неъматлардандир. Ҳозирги кунда илмга чанқоқ, қобилиятли болалар махсус ўқув масканларида таҳсил олмоқдалар. Зеро, улар Ватаннинг буюк келажагини яратувчиларнинг энг олдинги сафида бўлади.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли иқтидорли болаларнинг кўп тармоқли «Халқобод» лицей-интернати толиблари ҳам ана шундай эзгу орзулар оғушида етук мутахассислардан сабоқ олмоқдалар.

Суратда: мазкур лицей-интернат толибларидан бир гуруҳи физика дарси пайтида.

Р. ГАЛИЕВ сурати.

Металл — Ватанга!

ҲАРАКАТНИНГ БАРАКАСИ

Иккиламчи хомашё — ишга яроқсиз темир-терсакларни тўплаш ва давлатга топшириш мамлакатнинг металлга бўлган эҳтиёжини қондиришга муносиб ҳисса эканлигини тушуниб еттан халқ таълими тизими муассасалари ва ташкилотларининг жамоалари бу ишда ўз фаолликларини намоён этмоқдалар. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигига, қора ва рангли металл парчаларини тўплаш ва топшириш бўйича вазирлик қошидаги республика штабига эришилган натижалар тўғрисида жойлардан хушхабарлар келиб турибди.

«Металл парчаларини топшириш бўйича давлат буюртмаси Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги ҳунар-техника билим юртлари, ҳунар лицейлари ва бизнес мактаблари томонидан ошириб бажарилди. Жами 552 тонна қора металл парчалари тўплаб, қабул пунктларига топширилди», — дейилади вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи А. Бекмуродов имзоси билан йўлланган телеграммада.

Худди шундай мазмундаги телеграммаларни Хоразм вилояти халқ таълими бошқармасидан М. Жуманиёзов, Жиззах вилояти халқ таълими бошқармасидан Б. Шарипов, Нукус туман халқ таълими бўлимидан Р. Хўжаназаров ва бошқалар ҳам йўллаганлар.

Жиззахликлар режани ошириб, қабул пунктларига 290,9 тонна темир-терсак, 4177 килограмм рангли металл чиқиндиларини топширганлар. Нукус тумани халқ таълими бўлимига қарашли ўқув муассасалари ва ташкилотларининг жамоалари эса қора металл парчалари топшириш бўйича 1996 йил режасини 110 фоизга, рангли металл чиқиндилари йиғиб топшириш режасини 170 фоизга адо этганлар. Шунингдек, улар макалатура топшириш режасини ҳам ошириб бажаришган.

Республика халқ таълими тизими таълим муассасалари ва ташкилотлари жамоалари темир-терсак йиғиш ва қабул пунктларига топширишни қизғин давом эттирмоқдалар.

Р. МАҲКАМОВ.

Қутлов

ТОЛЕ БЎЛМАС ЎЗГАЧА...

Ҳаётда ўз ўрнига эга, обрў-эътиборли киши халқ наздида эъзозлидир. Бундай шарафга муяссар бўлиш осон ҳам эмас. Чунки бундай касб соҳиби эл назарига тушган, марҳаматига сазовор бўлган инсондир.

Университетимиз қишлоқ хўжалиги ва география факультети декани, ҳассос олим Ориф Хўжаев ана шундай беназир ташбеҳларга лойиқ одам. Кечагина Ориф ака суҳбатида бўлдик. Унинг ширали ва мазмундор сўзлари, маърифий муслимлиги суҳбатдошимизга бўлган ихлосимизни, меҳримизни оширади. Беихтиёр Ҳадиси Шарифда битилган қуйидаги пур ҳурмат сўзлар ёдимизга тушади.

«Тўғри эътиқодли бўлмоқ, кишилар билан яхши муносабатда бўлмоқ, ўз устида ишламоқ ва ўзини ибодат ва итоатга чиниқтирмоқ. Кимки буларни тўла ўзлаштирса, иймони мукаммал бўлгайдир».

Ориф ака худди шундай эътиқодли инсонлардан.

Ғапни мухтасар қилсак, Ориф Ғиёсович олтмиш баҳорни қаршилади. Сўлим баҳор ойларида дилларда Наврўз сурури, лабларидан сумалагу ҳалимлар таъми кетмаган уй муродбахш кунларда у киши таваллуд оқшомларини нишонлайдилар.

Ориф Хўжаев 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг ипакчилик бўлимини имтиёзли диплом билан тугатиб, Бухоро давлат педагогика институтининг зоология кафедрасида ассистент бўлиб иш бошлади. Бу ерда у 1969 йилгача турли лавозимларда фаолиятини намоён этди. Зоология кафедрасида ишлаган йиллари у талабаларга гистология ва эмбриология, умуртқасиз ҳайвонлар зоологияси, генетика ва селекция, ипакчилик каби фанлардан амалий машғулотлар ўтказди.

1962 йилда Ориф Ғиёсович илмий салоҳиятини ошириш учун Тошкент давлат қишлоқ хўжалиги институти ҳузуридаги фаннинг ипакчилик соҳаси бўйича сиртқи аспирантурага кирди. У 1967 йилда «Ипак қурти пиллаларининг бир хиллигини ошириш йўллари» мавзуидаги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Истеъдодли олим-педагог сифатида у ўз илмий йўналиши бўйича 30 га яқин илмий-услубий асарлар ёзди ва уларни матбуотда эълон қилди.

Тадқиқотнинг илмий хулосалари ва улар асосидаги тавсиялар ҳозирги кунда ҳам республикамиз ва қўшни давлатлар ипакчилиги соҳасида қўлланилмоқда.

1969 йилда Ориф Хўжаев Бухоро қишлоқ хўжалиги техникуми директори вазифасига тайинланди. Бу лавозимда у 1986 йилгача сидқидилдан фаолият кўрсатди. Ушбу маскан у директорлик қилган йилларда кескин ривожланди.

Олимнинг ҳаёт тажрибаси кенг ва чуқурлигини, ташкилотчилик қобилиятини ҳисобга олиб вилоят раҳбарлик ташкилоти 1986 йилда уни вилоят агросаноат мажмуига фан ютуқлари ва илғор тажрибаларини тарғибот қилиш, ишлаб чиқаришга жорий этиш бўлими бошлиғи вазифасига ўтказди.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаётган юзлаб мутахассислар Ориф акани уларининг устозлари деб билишади. У киши қаерга бормасин, шогирдлари пешвоз чиқади. Улар лутфида устозлари билан бир пиала чой гурунгига ташналик сезилиб туради. Бундан ортиқ толе бўлмаса керак.

Ориф ака 1987 йил сентябрь ойидан буён университет зоология кафедраси доценти, 1992 йилдан эса факультет раҳбари лавозимида самарали ишлаб келмоқда. У кишининг узоқ йиллик ҳалол хизматлари ўз қадрини топган. Мукофотларнинг рўйхати эса узун.

Дарҳақиқат, биз тавсифлаган таниқли олим бугун 60 ёшда! Тўйингиз муборак бўлсин, Ориф ака!

У. УМАРОВ, Б. БАҚОЕВ, Д. ЖАББОРОВ. Бухоро давлат университети.

Мактаблар ҳаётидан

ЧИРОҚЧИ ЧИРОҚЛАРИ

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Халқимизда «Кенгашли тўй тарқамас» деган доно ҳикмат бор. Чироқчи туманидаги А. Бойназаров номли 38-ўрта мактаб жамоаси худди ана шу ҳикматга асосланиб иш юритадилар. «Бизда, энг аввало, мактаб кенгашларининг йиллик режаси жамоа аъзолари билан бамаслаҳат, келишган ҳолда мукаммал ишлаб чиқилади, — дейди мактаб директори Мейлибой Жўраев. — Тузилган ушбу режанинг бажарилиши бутун ўқув йили жараёнида қатъий тартиб ва назорат асосида амалга ошириб борилади».

Жамоадаги 50 нафар ўқитувчи 544 нафар ўғил-қизга таълим-тарбия бераётир. Мактаб педагогика кенгашида режалаштирилган тадбирга кўра охирги уч йил мобайнида муаллимлар тўлиқ аттестациядан ўтказилди. Якуний хулосалар шуниси билан кишини қувонтирадики, жамоанинг 65 фоиз аъзолари аттестацияда биринчи ва иккинчи тоифа даражасини олишга муяссар бўлдилар.

Замонавий услубда қурилган мактабда 22 та фан хонаси, 100 ўринли ошхона, 150 ўринли мажлислар зали, спорт зали, компьютер ва лингафон хоналари, 3 та ўқув лабораторияси талаблар даражасида жиҳозланган. Мактабнинг турли синфларида 7 та фан чуқурлаштирилган режалар асосида ўқитилмоқда.

ПОЛВОНЛАР ТЎЙЛАРДА ТАНИЛАДИ

Мактаб жойлашган «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аҳли азал-азалдан ўзининг номдор курашчи полвонлари билан Чироқчи-ю Қашқа воҳасида, қолаверса, Ўзбекистон Республикасида, ҳатто жаҳонда ном таратиб келган. Бу элнинг белига белбоғ боғлаган ҳар бир йигити, албатта, кураш тушади. Бу элнинг тўйи-ю, байрамлари курашсиз ўтмайди.

Мана, бир неча йилдирки, ёш полвонлар А. Бойназаров номидаги мактабнинг кураш тўгарагида тарбияланмоқдалар. «Ёш полвонлар» ўз тўгаракларини қишлоқдоши, кураш бўйича собиқ жаҳон чемпиони Хушвақ полвон Рўзиқулов номи билан аташади. Мактаб кураш залида ёш полвонларнинг машқ қилишлари учун керакли барча шарт-шароитлар тўлиқ яратиб берилган. Айни кунда ҳам тўгаракда юзга яқин ёш полвонлар ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

— Натижаларимиз ёмон эмас, — дейди тўгарак раҳбари, мактабнинг жисмоний тарбия муаллими Актам полвон Қаршиев. — Бир неча йилдан буён ўқувчиларимиз туман биринчилигини қўлдан бермай келмоқдалар. Ўқувчимиз Мусоқул Аҳмедов эса ўтган йили вилоят мусобақасида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Бу полвонимиздан келгусида умидларимиз катта. Мана, тўйлар ҳам бошланиб қолди. Насиб бўлса, тўй курашларида ёш полвонларимизни синаймиз. Ҳа, полвоннинг зўри тўйда танилади.

«ЗАРДЎЗ»НИНГ ЗАР ҚАЛПОҚЛАРИ

Мустақиллик бизга ўзлигимизни, шарқона қадриятларимизни ва унут бўлган миллий урф-одатларимизу нафис миллий ҳунармандчилигимизни, бир сўз билан айтганда, ўзбеклигимизни қайтариб берди. Шуниси жуда-жуда қувончлики, миллатимизнинг фахри бўлган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган инсонлар ҳали у ерда, ҳали бу ерда янги-янги ташаббус кўтариб чиқмоқдалар.

Мактабнинг меҳнат таълими муаллимаси Пардахол Муҳаммадиева ҳам мактаб педагоглари кенгашида мактабда «Зардўз» деб номланувчи тўгарак очиш ва ишни унут бўлиб кетган «Чироқчи зар қалпоқлари»ни тикишдан бошлаш ташаббуси билан чиқди. Ташаббусни ҳамма маъқуллади. Мактаб маъмурияти керакли шарт-шароит яратди, алоҳида хона ажратди. Бир талай қийинчиликларни енгишга тўғри келди. Ҳали у нарса йўқ, ҳали бу нарса. «Интилганга толе ёр» деганларидек, аста-секин тўгарак иши ўз йўлига тушиб борди. Ўқувчи қизларнинг қўли зар қалпоқ тикишга мослашиб қолди. Чеварларнинг зар қалпоқлари савдо расталари юзини кўрди, ўз харидорларини топди. Ўтган йили «Зардўз» аъзолари қўлларида тикилган «Чироқчи зар қалпоқлари» туман кўрик-танловида фахрли биринчи ўринни эгаллади. Ютуқлардан руҳланган 20 нафар чевар қиз айни кунда «Чироқчи зар қалпоқлари» ёнига зар пайпоқчалар, зарли тақинчоқ ва безакларни ҳам қўшиб тайёрламоқдалар. «Зардўз»лар ўтган ўқув йилида мактаб ҳисоб рақамига уч минг сўмга яқин маблағ туширдилар.

КИТОБСЕВАРЛАР УЮШМАСИ

Тўғриси, ўша собиқ СССР тузумида шундай ном билан аталувчи алоҳида жамият бўларди. Бу нарса ривожланган кўплаб мамлакатларда ҳам бор. Мустақил Ўзбекистонимизда ана шу китобсеварлар уюшмаси, жамияти ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Нега? Биз китобни севмаймизми? Нима, бизда китоб ихлосмандлари йўқми? Бу турдаги тарғибот ва ташвиқот ишлари пулга топилмас кони фойда-ку!

Ўқув йили арафасида мактабда «Китобсеварлар уюшмаси» ташкил этилди ва бу ишга раҳбарлик қилиш мактабнинг кутубхона мудираси Т. Сафаровага юклатилди. Уюшма ҳайъати тузилиб, қилинадиган умумий ишлар келишиб олинди. Уюшма аъзоларининг қўллари билан энг биринчи навбатда мактаб кутубхонасидаги мавжуд барча дарслик ва бадиий китоблар кўздан кечирилди, лозим деб топилганлари тўлиқ таъмирланди. Уюшма аъзолари ҳар ойда бир марта ўқувчиларнинг китобларини кўздан кечирадилар, уларни муддатидан аввал яроқсиз ҳолга келиб қолишига қарши курашадилар.

Худди ана шу уюшма аъзолари мактаб жамоасига мурожаат қилиб, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг уйларида бир вақтлар ўқилган, энди эса ўз ҳолига ташлаб қўйилган бадиий китобларни мактаб кутубхонасига тақдим этишларини сўрадилар.

Ушбу таклиф ўқувчиларга, ўқитувчиларга, ота-оналарга маъқул тушди. Ҳозиргача мактаб кутубхонаси мингга яқин бадиий китоб билан бойиди. Мактаб китобсеварлар уюшмаси аъзолари айни кунда «Амир Темур ва миллий ғурур» мавзусида китобхонлар давра суҳбатини уюштириш учун қизғин тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар.

Биз мактаб директори Мейлибой Жўраев билан ўзимизни қизиқтирган мавзуларда анчагина суҳбатлашдик. Мейлибой ака бизда жуда илиқ таассурот қолдирди. У киши ўта камтарин, изланувчан, кам гапириб кўп эшитишни яхши кўрадиган фидойи муаллим экан.

Мактаб жамоаси билан хайрлашиб қайтаётганимизда қош қорайиб, одам-одамни танимайдиган вақт бўлиб қолганди. Фаол ўқувчилар, барча ўқитувчилар ҳамон ўз хоналарида ишлашаяпти. Улар яқинда мактабларида ўтказиладиган туман миқёсидаги «кўргазмали дарс ўтиш» мавзусидаги семинар-кенгашга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ажойиб тунги манзара. Аммо хоналарда чироқлар нур сочиб турибди. Юрагимда қандайдир фахрланиш тўйғусини ҳис қилдим... Ҳа, бу чироқлар Чироқчи чироқлари. Бу чироқлар келажаги буюк юртнинг чироқлари... Бу чироқлар эртага бугунгидан ҳам ёруғроқ нур сочади...

Абдували ОБИДДИНОВ, «Маърифат» мухбири.

«Ўзбекистон — Ватаним маним»

Яқинда Тошкент вилояти халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтида «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Унда курс тингловчилари Б. Мавлонова, О. Ҳамроқулова, Р. Мирсаидова ва бошқалар она юртни мадҳ этувчи жозибали куй-қўшиқлар ҳамда саҳна кўринишларидан парчалар ижро этишди.

Шунингдек, кечада «Халқаро олтин мерос» жамғармасининг раиси, ёзувчи Худойберди Тўхтабоев, шу институт ректори Дилбар Маликова иштирок этди.

Абдукомил Халилов 16 йилдирки муаллимлик касбини эъзозлаб келмоқда. У ҳозирда Самарқанд вилояти Қўшработ тумани Абдулла Набиев номидаги 64-ўрта мактабда ўқувчиларга тарих ва ҳуқуқшунослик фанларидан дарс беради. Жамиятда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга тийрак кўз билан нигоҳ ташлайди. Энг муҳими, ҳар бир дарсни қизиқарли ҳамда сермазмун ўтишга интилади.

Суратда: моҳир ва изланувчан ўқитувчи Абдукомил Халилов навбатдаги дарс машғулотида.

БУНЁДКОРГА ҚАТИҚ БЕПУЛ

Амударё туманидаги 48-ўрта мактабнинг ер участкасига ўтган йили ва бу йил жами 350 тупга яқин ҳар хил мевали дарахт кўчатлари экилди. Яқинда мактаб педагогик кенгашининг қарорига мувофиқ буюк Соҳибқирон бобомизнинг 660 йиллиги муносабати билан унга «Амир Темур боғи» деб ном берилди. Яна бир гап: боғ бунёдкорлари, яъни зиёкорлар мактабнинг ёрдамчи хўжалиги ҳисобидан ҳар куни тушлик пайтида бепул қатиқ билан таъминланмоқда.

Мухбиримиз.

Оқибат

ЮРТНИНГ ТАНТИЛАРИ, ОВОЗ БЕРИНГ!

«Ҳар қандай мажруҳ, ногирон инсонда ҳам қалб бор, покиза дил, вужуд, ҳаёт сарчашмаси — юрак бор. Жисми-ю қонида эзгуликнинг орзу-истаклари, армонлари жўш уради. Улар ҳам барча инсонлар каби қадр-қимматга, меҳрга, эъзозга умидвордирлар...»

Фарғона туманидаги 18-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси, ажойиб қалб соҳиби Турсунбой Мадалиев ўз қунглидан юқоридаги ҳис-туйғуларни ўтказар экан, ортиқча сабр-тоқат қилолмади. Ўзига хос ташаббус билан чиқди.

— Тўқсонинчи йиллар эди, ўшанда, — дея хотирлайди Турсунбой Мадалиев. — Нуротага тўйга борган эдик. Ишонсангиз, бир ногирон бола қўшиқ айтиб ҳаммани йиғлатди. Ғоят таъсирландим. Худди шу кундан бошлаб менда ҳаловат йўқолди. Туманимизда ҳам шунга ўхшаш ногирон болалар борлигини билардим: бири қўшиқ айтса, бири доира ёки рубоб чалади, яна бири рақсга тушади... Шуларни тўплаб, бир даста тузилса қандай яхши бўлишини ўзимча ўйладим, ҳамда бу ишга қатъий киришдим.

Албатта, иш осон кўчмади. Фарғона тумани кенг ва тарқоқ бўлгани учун истеъдодли ногирон ёшларни излаб топиш қийин бўлди. Уларнинг бири Аввал қишлоғида яшаса, бири Хонқизда, яна бири Чимёнда. Барчасини бир ерга тўплаб истеъдодларни синаб кўриш, ҳамфикр ва ҳамкор бўлиш, машқ қилиш бўйича қатъий режалаштирилган услубда фаолият кўрсатиш... Эҳ-ҳе!

Тўғриси, шундай пайтда Турсунбой Мадалиевга ёрдам берадиган, бирор жафокаш инсон ёки бирорта ҳомий хўжалик ёхуд ташкилот топилмади. Лекин бир сўзли Турсунбой ака ҳам шаштидан қайтмади. Мурғак болалар қалбига йўл топди. Мактаблар билан алоқа боғлаб, санъатга ихлосманд болаларни саралади. Кичик бир даста жамоаси шаклланди. Унга «Ниҳол» деб ном берилди. У турли хил қўшиқ ва рақслардан иборат чиқишлари билан туман меҳнаткашлари эътиборини торта бошлади.

Эндиликда болалар 27 нафарга етди. Улар асосан ўқувчилардан иборат. Даста иштирокчиларининг чиқиши ўзига хос, бетакрор. Мана, 55-мактабнинг оёғи ногирон ўқувчиси Шерзод Маҳкамов... Бир тасаввур қилинг-а. У саҳна ортида оёғидаги протезларни ечиб, кейин саҳнага чиқади. Буни кузатиб туриш учун қанча ирода, чидам керак. Турсунбой ака эса бунга чидайди... Шерзод «Андижон полкаси»да шундай маромига етказиб уйнайдики, асти қўяверинг. Овози ҳам жарангдор. «Оқ қуёнча» қўшиғини қойилмақом қилиб айтади. 5-мактаб ўқувчиси ўнг оёғи ва қўли яхши ишламайдиган Жаҳонгир Турсунов айтадиган «Дарвозабон» қўшиғи кўпчиликка маъқул келади. Жавлон Улуғов, Авазбек Тураев, Наргиза Турдиматова, Нилуфар Толипова, Муқаддас Муминова, Мастура Қамчиева... Ҳар бири ўзгача бир олам. Санъатга ошуфта бу мурғак қалб эгаларининг ўй-ташвишларида, юракларида яшириниб келган ажойиб бир талант, истеъдод, ҳис-ҳаяжон юзага чиқаяпти, гуркираяпти. У — эзгуликнинг, гўзалликнинг нафосат оламининг ғунчалари, гулдастаси демак.

— Мени бир нарса қийнамоқда, — дейди даста раҳбари. — Бизга ёрдам берадиган, мурувват кўрсатадиган инсонни ёки бирор жамоани сезмаяпмиз. Худога шукур, даромадимиз бор. Ҳозир қулимизда 27 минг сум нақд пул бор. Ёзда «Ёрдон» оромгоҳида икки ой даста иштирокчилари билан машқ қилдик, дам олдик. Боғчаларда кенг дастурлар қўйиб бердик.

Энди гўзал «Ёрдон» оромгоҳида даста иштирокчиларининг дам олишига тўхталсак. Даставвал Турсунбой аканинг шогирдларини бу ерга қабул қилишмади. У, бу баҳоналар қилишди. Қайтамиз, деб туришганда вилоят касаба уюшмаси қўмитасининг масъул ходими Раҳимжон Хожимуродов воқеадан хабардор бўлади. Беш дақиқа ичида ногирон болалар оромгоҳга жойлашади.

— Оёғи протез бўлган қизлар бор бўлиб, улар қатор қийинчиликларга рўбарў келди, — дейди Т. Мадалиев. — Илож қолмагандан шундай қизларнинг ҳол-аҳволидан доимо хабардор бўлиш учун турмуш ўртоғим Қундузхонни ҳам оромгоҳда ишлашга мажбур этдим. Маошсиз.

Ўйлаб кўрилса, Қундузхонда ҳам қатъият, журъат етарли экан. Шунга қўнибди, даста иштирокчиларига сидқидилдан хизмат кўрсатибди, бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди-да!

Ҳозирги пайтда «Ниҳол» анча бўй-басти билан кўзга ташланиб қолди. Турсунбой Мадалиев эса ҳамон ҳаракатда, интилишда, даста иштирокчиларига уй уйидаги чолғу асбобларини чалдириб, ўргатиб, машқ қилдираяпти. Иштирокчиларни бир жойга — Водилга жамлаш, яна қийин. Бу борада Турсунбой акага кўмак берадиган, унинг дастасини қўллаб-қувватлайдиган бир мард инсон ёки ҳомий жамоа топилиб қолса ажаб эмас. Тўғри, даста фаолиятига эътибор бераётганлар ҳам бор. Туман халқ таълими бўлими мудираси Ҳалимахон Хўжақулова даста фаолиятига бегараз ёрдам кўрсатиб келяпти — маънавий рағбатлантириб боряпти.

Вилоят ойнаи жаҳони орқали «Ниҳол» дастасининг чиқишлари намойиш этилди. Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Қўшиғим, жон қўшиғим» кўрсатуви бошловчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан артист Шермат Ёрматов ҳам «Ниҳол» дастаси фаолияти билан қизиқиб қолди. Келгусида кўрсатув тайёрлашга ҳозирлик кўрилмоқда.

Даста раҳбари, ажойиб инсон Турсунбой Мадалиев эса ўз шогирдлари чиқишини, даста шуҳратини вилоят ва республикага ёйиш ўй-ташвиши билан яшаяпти. Шояд, у узининг олий мақсадига етса. Энг муҳими, у шикаста қалблардаги эзгулик, иштиёқ, ҳавас ва истеъдодни юзага чиқаряпти, яшнатяпти.

Бу ҳам узига хос бир савобли иш эмасми?!

Собиржон ДАДАХЎЖАЕВ, Фарғона тумани.

Сиртқи дарс

20. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЛМ-ФАН ҲОМИЙСИ

Дарснинг таълимий мақсади:

Ўқувчиларни Алишер Навоийнинг юрт ободлиги ва илм-фан намояндаларига ҳомийлиги ҳақида тушунча бериш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: Алишер Навоийнинг фан ва маданият ривожи йўлидаги фаолиятини баён этиш билан ўқувчиларда буюк мутафаккирга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш.

Дарс режаси:

1. Алишер Навоийнинг ижодий фаолияти.
2. Алишер Навоийнинг бинойи хайрлар қуриш йўлидаги рағбати.
3. Алишер Навоийнинг илм-фанга ҳомийлиги.

Ўтилган дарслардан маълум бўладики, Амир Темур бошлаб берган хайрли — юртни обод ҳамда маъмур этишнинг бош омили илм-фан ва маданиятга ҳомийлик ишини унинг ворислари давом эттирдилар ва янги шароитларда илм-фан тараққиёти учун фидокорлик қилдилар. Шоҳрух мирзо ва унинг ўғиллари Улуғбек мирзо, Бойсунқур мирзо, Абусаъид, Иброҳим Султон, Султон Ҳусайн мирзо ва Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур кабилар шулар жумласидандир. Самарқандлик таниқли олим, Алишер Навоийнинг устози Хожа Фазлуллоҳ Абуллайс машҳур файласуф ва фалакиётчи Мирсайид Журжонийнинг шогирди бўлган. Алишер Навоийнинг яна бир устози Фасиҳиддин Муҳаммад Али Қушчининг шогирди эди.

Алишер Навоийнинг ёзишича, Султон Ҳусайн Бойқаро саройида Ҳусайн Воиз Кошифий, Султон Маҳмуд, Хожа Авҳад Муставфий, Мавлоно Кавкабий сингари фалакиётчи олимлар ижод қилганлар.

Алишер Навоий ҳомийлигида Биноий, Жалолуддин Даввоний, Хожа Абдулло Садр, Хожа Юсуф Бурҳон, мавлоно Салимий каби мусиқашунос бастакорлар ижод қилганлар. Илм-фан, санъат ва маданият соҳасидаги Алишер Навоийнинг хизматлари ҳақида унга замондош муаррих Хондамир шундай ёзади: «...Амир ёш болалик даврининг аввалидан ҳаётининг охиригача файзу баракали вақтининг кўп қисмини илму санъат таҳсилига сарф қилди. Турли билимларни ўзлаштириш ва ҳар хил фикрларни ҳосил қилиш йўлида озгина фурсатни ҳам қўлдан бермади. Умрининг энг яхши даври бўлган йигитлик замонларини атоқли олимларнинг маркази бўлган мақтовли Ҳирот шаҳрида зўр ғайрат ва тиришқоқлик билан турли китобларни мутолаа қилиш билан ўтказди».

Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн давлат арбоблари сифатида ўша давр атоқли олимлари ва эл ҳурматини қозонган санъат аҳлининг илмий ва маданий савияларини ошириш учун имконият яратиб, талабаларга нафақалар белгилаб, улар учун мадраса, хонақоҳ ва карвонсаройлар қурдилар.

Айниқса, Ҳиротнинг Инжил дарёси ёқасида кўплаб бинойи хайрлар қурилди. Хондамирнинг қайд этишича «Халосия» хонақоҳи ва «Ихлосия» мадрасаси катта илм-фан ва маданият ўчоқлари ҳисобланган. Бу мадрасаларда минглаб толиби илмлар таълим олганлар.

Алишер Навоий ёшлигидаёқ сарбадорлар шоири Амир Шоҳий ижодини ёд олди, у билан дўст тутинди. Бу дўстлик Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғоялари шаклланишида муҳим омил бўлди. Алишер Навоий кейинчалик Қосими Анвор ҳақида: «Равишлари пок эрди ва нафаслари оташнок. Эл бағоят алар назмларига мойил ва шеърларин ўқумоқ ва битимакка рағиб бўлдилар... Ва фақир ҳам ул остона жорўбкашларидинмен»,— деб ёзадилар, ҳам унинг мақбараси ёнига мухлислари учун ҳашаматли иморат қурдирадилар.

Алишер Навоий халқни саодатманд, маърифатли кўрмоқни орзу қилдилар ва умрлари сўнггига қадар саодатга элтувчи йўлни қидирдилар. Амирлик мансабига кўтарилган мазлум халқ манфаатлари йўлида қилган ишлари беҳисобдир. Юрт истиқболи дея яшаган Алишер Навоий «фуқаро ва дарвешларнинг фаровонлиги, ғариб ва мусофирларнинг фароғати учун» (Хондамир) кўплаб мадрасалар, 52 та работ, 20 та ҳовуз, 16 та кўприк ва тўғонлар қурдилар. «Бир соатлик адолат олтмиш йиллик ибодатдин афзал», деган сўзларга амал қилиб, адолат ва инсоф эшикларини инсоният юзига очиб қўйдилар» (Хондамир). Ўн икки фарсах (1 фарсах 8 чақирим)лик наҳр қаздириб Тус вилояти юқорисидаги Чашмайи Гил сувини Машҳад шаҳрига келтирдилар. Бу улуғ зотнинг инсоний фаолияти: илму маърифат равнақига кўрсатган таъсири ва юрт ободлиги йўлидаги фаолияти кўлами кишини ҳайратга солади. Амирлиги учун ўзларига берилган Мозандарон вилоятидан тушадиган маблағни мана шу эзгу йўлда сарфладилар.

Хондамирнинг ёзишича 1477 йили тикланган Инжил наҳри бўйидаги Ихлосия мадрасаси ва Халосия хонақоҳига йигирма йил давомида дунёнинг турли бурчакларидан талабалар келган, илм-фан сирларидан баҳраманд бўлишган. Мударрис ва талабаларга Алишер Навоий ҳисобидан нафақа берилган. Улуғ шоир раҳнамолигида юзлаб толиби илмлар, шоиру мусаввирлар даврининг етук арбобларига айланишди. Айни вақтда Алишер Навоий уларни халқнинг оғирини енгил қилишга ундаб, ўзлари бу борада ибрат кўрсатдилар. Алишер Навоий халқ дардига малҳам излаб Шифоийа мадрасасини бино этдилар. Кейинчалик бу ерда мавлоно Ғиёсиддин Муҳаммад ибн мавлоно Жалолуддин толибларга тиб илмидан сабоқ бердилар. Қутбиддин Муҳаммад ибн Одам, Низомуддин Абдулҳай каби табиблар дарс бериш билан бирга дардга чалинган фақир кишилар муолажаси билан шуғулландилар.

1506—1507 йилларда Ҳиротда бўлган Бобур Мирзо Гозургоҳ яқинидаги Алишер Навоий боғида қоғоз жувози, яъни қоғоз ишлаб чиқариш корхонасини кўрганлигини қайд этади.

Алишер Навоийнинг жуда бой кутубхонаси замонасининг ўзига хос фанлар академияси эди. Бу ерда китоб тузилар, ҳуснихатда кўчирилар, сўнг безатилиб, чет эл элчиларига совға тариқасида берилар эди. Султонали Машҳадий, Абдулжамил, Султонали Хандон каби номи оламга танилган хаттотлар ишлашган бу ерда. Камолиддин Беҳзод, Шоҳмузаффар, Қосимали Чеҳракушойлар бошчилигидаги наққошу мусаввирлар китобларни, биноларни нақшу тасвирлар билан безар эдилар. Бу ерда илмий ва фанний тадқиқотлар ҳам амалга оширилган. Масалан, Ҳожи Муҳаммад Наққош кўркам чиний идишлар ясаган, сандиқ соат ихтиро қилган.

Алишер Навоий ҳомийлигида юзлаб олимлар маънавиятимизнинг кейинги равнақи учун беқиёс аҳамият касб этган ўлмас асарлар яратишди. Абдураҳмон Жомийнинг адабиёт назариясига доир «Рисолайи қофия», «Муаммойи сағир», грамматикага доир «Шарҳи мулло», Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг нутқдаги бадиий воситаларга бағишланган «Бадойиъус-санойиъ», Мирхонднинг етти жилддан иборат «Равзатус-сафо», Хондамирнинг «Ҳабибус-сийяр», шунингдек, мусиқа илми намояндалари Ҳожиабдулло Марворид, Қулмуҳаммад Удий, Устод Шоди, Шайхи Нойий, Ҳусайн Удий қабиларнинг қатор асарлари юзага келишида ҳам буюк мутафаккирнинг ҳиммати, хизмати кучли бўлган. Давлатшоҳ Самарқандий Навоий ҳақида: «Гашт дорулфазли олам аз вужуди ў Хири», яъни у туфайли Ҳирот шаҳри олам фозиллари масканига айланди, деб бежиз айтмаган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёзади: «Султон Ҳусайн замони ажиб замоне эрди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис, Ҳири шаҳри мамлу (тўлўғ) эрди. Ҳар кишинингким, бир ишга машғуллуғи бор эрди, ҳиммати ва ғарази ул эрдиким, ул ишни камолға тегургай».

Дарҳақиқат, бу хусусият Алишер Навоий яшаган Уйғониш даврига хос эди. Ул зот ўз атрофларидаги фозиллар ва ҳунар эгаларидан давр тақозосига кўра юксак камолотни кутар, уларга нозик дид билан устодона талабчанлик изҳор этар эдилар.

Алишер Навоий илм олиш, ҳунар ўрганишдан асло истиҳола қилмаганлар. Устод Шодидан мусиқа илмини ўрганиб, нақшу пешравлар басталаганлар. Ўзларидан 14 ёш кичик Камолиддин Беҳзоддан тасвирий санъатни ўрганиб, «Занжирбанд шер» тасвирини чектилар. Камолиддин Беҳзод ўз асарларида мураббийси Алишер Навоий сиймосини камтарин ҳолда чекиши бежиз эмас. Зеро, камтаринлик, инсонийлик, олижаноблик ул зотга хос эди.

Меҳнат аҳлининг орзу-умидларини ўз ижодида тараннум этган Алишер Навоий замонасининг пешқадам зиёлиларини ҳамиша юрт ободлиги ва халқ бахту саодати йўлида яшамоққа даъват этдилар:

Одамий эрсанг демагил одами,
Они, ки йўқ халқ ғамидин ғами.
Ёки: Илмни ким воситайи жоҳ этар,
Ўзини-ўу халқни гумроҳ этар.

Халқини чин юракдан севган, бутун ҳаётини маърифат йўлига бахшида этган буюк мутафаккир асарлари халқларнинг мулкига айланди. Чунки унинг ҳаётбахш назми, орзу-умидлари ва халқ иродасининг ифодаси бўлган Фарҳоду Ширин, Моний, Лайлию Мажнун образлари кишиларни буюк ишлар сари даъват этади.

«Қамалдаги Ленинградда Алишер Навоий ижодига бағишлаб ўтказилган йиғилиш ҳақидаги хабарни ўқиб, бениҳоя ҳаяжонланган эдим, — дея хотирлайди шоир Эдуардас Межелайтис, — портлаётган тўп ўқлари тепа қаватни ўпираётган, иморатни ларзага солаётган бўлса-да, ҳеч ким жойидан жилмаган, ҳатто қимирламаган ўшанда. Фашистларнинг қуюндек ёғдираётган ўқлари буюк Алишер ижоди қудрати ва салоҳияти олдида ожизлик қилган эди».

«Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай», — дея бу улуғ зотнинг илм-фан ва санъат тараққиётига қўшган ҳиссасини қадрлаб ёзади Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва тараққиётида муҳим ўрни бор. Ул зот «Муҳокаматул луғатайн» асарида ўзбек тилининг жуда катта имкониятларини илмий жиҳатдан асослаб бердилар: «Хаёлимга мундоқ келурким, турк улуси фасиҳларига алалҳақ собит қилдимки, ўз алфозу иборатлари ҳақиқати ва ўз тилу луғатлари кайфиятидан воқиф бўлдилар».

Алишер Навоий халқ билан она тилида сўзлашиш зарурлигини, она тилини яхши билиш давлат аҳамиятига молик эканлигини кўрсатиб ўтганлар. Буюк мутафаккир ҳар уч тилда (турк, араб, форс) олий савияда ижод қилдилар ва ғазал мулкининг султони деган муносиб номга эга бўлдилар.

Инсон қалбини мунаввар этадиган гўзаллик, эзгулик, яъни шеъриятнинг умри боқий экан, демак буюк шоир ва мутафаккир умрлари ҳам боқийдир.

Халқ улуғларни улуғлаб келган; уларнинг иши халқ ёдида мангу яшайди. Бу ишларни авлодлар ҳурмат билан эслайди, ибрат олади.

Наим НОРҚУЛОВ,
тарих фанлари номзоди.

Мозийга бир назар

ТЎҚСОН ИККИ БОВЛИ ЎЗБЕК ЮРТИ

Ўзбек халқининг ва ўзбек этнониминнинг келиб чиқишида ҳанузгача ҳар хил фикрлар мавжуд.

Кўпгина тарихий манбалар, жумладан, Бурибой Аҳмедов ўзининг «Тарихдан сабоқлар» китобида Мирзо Улуғбекнинг илмий раҳбарлигида ёзилган «Тарихи арбаъ улус»дан намуна келтиради. «...Тўқтайхоннинг давлати поёнига етгандан кейин, ҳазрат Султон Муҳаммад Ўзбекхон... (1312 йилда) тахтга ўтирди. Шундан кейин ўзбек улусини унга нисбат берадилар».

Айтишларича, орадан саккиз йил ўтгач, машойихлар ва мусулмонлар шайхи, авлиёлар қутби ҳазрат Занги Отанинг халфаси Сайид Ота орқали ҳижрий 720 йили (милодий 1320 йили) Ислом динини Ўзбекхон бутун халқи билан тўлиқ қабул қилади. Бу ҳақда «Мақомоти Ҳазрати Сайид Ота» китобида қайд қилинган.

Султон Муҳаммад Ўзбекхон эл-улуси билан Илоҳий Саодат ва фазилатга етишгач, ҳазрати Сайид Отанинг ғайб ишорати ва Оллоҳнинг инояти билан уларнинг (улусининг) барчасини Мовароуннаҳрга олиб келди. Ҳазрати Сайид Отага қулоқ солмаганлар, саодатдан бебаҳра қолиб, у ерда (Дашти Қипчоқда) қолдилар ва «Қалмоқ» деган номга мансуб бўлдилар.

Мовароуннаҳрда уларнинг сардори ва подшоҳи Ўзбекхон бўлгани учун маҳаллий туркий халқ уларни «ўзбек» деб атадилар. Бу парчадан қуйидагича икки хулоса келиб чиқади:

— Дашти Қипчоқнинг шарқий қисми ва Ғарбий Сибирь Ўзбекхон Олтин Урда тахтига ўлтирмасидан олдин ҳам «Ўзбек улуси» деб аталган. Демак ҳамма кўчиб юрган турк-мўғул қавми «ўзбек» деб аталган.

— Шу пайтгача фанда «ўзбек» номи халқ номи сифатида XV-XVI асрда Дашти Қипчоқдан кўчиб ўтган дейиларди. Бу маълумотдан эса «Ўзбек» номи халқ номи сифатида, Мовароуннаҳрга XIV асрдан олдинроқ (Ботухон ва Баракахон тарихидаги маълумотлар асосида) кириб келганлиги маълум бўлади.

В.В.Григорьев, А.А.Семёновлар Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида кўчиб юрган турк-мўғул қавмлари назарда тутилган.

Лекин бундан ўзбеклар халқ сифатида XIV асрдан маълум, деган хулоса умуман нотўғри бўлади. Ўзбеклар, қозоқлар, қорақалпоқлар ва бошқа туркийзабон халқларнинг аждодлари ҳозир яшаётган ҳудудларда аввалдан кун кечирганлар, аммо улар шу вақтларда ўзбеклар, қозоқлар, қиргизлар, қорақалпоқлар деб юритилмаганлар. Уларнинг умумий номи турк деб аталиб, ўзлари мансуб қабилалар (буркут, найман, қунғирот, қиёт, мангит... ва ҳоказо) номи билан аталганлар.

Бу қабилалар XIV асрнинг 80-90 йилларидан бошлаб Сирдарё билан Амударё оралиғига кўчиб келганлар. 1500 йили Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигида, Мовароуннаҳрни, 1504-1506 йиллари Хуросон билан Хоразмни эгаллаган Шу вақтдан бошлаб Мовароуннаҳрнинг туркийзабон халқи ўзбек номини олган.

Ўзбек ва тожикнинг халқ бўлиб шаклланишида милоддан аввалги минг йилликнинг охири ва милоднинг бошида Жайхун билан Сайхун оралиғига шимолдан кўчиб келган туркийзабон халқлар ва Жайхуннинг жанубидан келган форс тилида сўзлашувчи қабилалар, VI-V асрларда Шимолдан келган хионит, кадарит, эфталитлар VI-VIII асрларда Ўрта Осиёда, ҳозирги Афғонистоннинг Шимолий қисмида яшаб ўз ҳукмронлигини ўрнатган Ғарбий турк хоқонлигининг халқи — туркларнинг ҳам роли бор. Шундай қилиб, қорахонийлар (X-XI асрда) даврида ўзбек халқи тўла шаклланиб ҳар томонлама ривожланди. Эски ўзбек тилига мансуб қорлиқ-чигил лаҳжаси ёзма адабиёт даражасига кўтарилди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк», Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат» асарлари шу давр маҳсулидир. Умуман, Қадимий манбалар асосида Б.Аҳмедовнинг аниқлашича, ўзбеклар XIV аср бошларида Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида, яъни Орол ва Каспийдан то Ғарбий Сибирнинг шимолий ҳудудларигача, Итил (Волга) ва Ёйиқ (Урал) дарёларининг Шарқий соҳилларидан Балхаш кўли ва Чу воҳасигача бўлган ҳудудда турк-мўғул қабилалари ўзбек номи билан истиқомат қилганлар.

***

1976 йилда Ургут туманининг «Янги ариқ» жамоа хўжалигида яшаган марҳум Нурмат бобо Бердиевдан муаллифи Хожа ибн Расулнинг «Ўзбекнома» қўлёзмасини ўзларига ўқитиб, 92 уруғ номини ёзиб олганман. Минг, юз, қирқ, ёбу, қипчоқ, қиёт, хитой, ўнг, ўнга, жалойир, сарой, қунғирот, олҳин, оргин, найман, азоқ, қалмоқ, қорлуқ, турок, бурлоқ, семирчиқ, қатағон, калтачи, кенагас, дулочи, қушчи... ва ҳоказо.

Бу уруғлар майда бўлаклари билан уч юз олтмишдан ошади. Фан олдида ана шу уруғларнинг ўзаро бир-бири билан қариндошчилиги томонларини аниқлаб, шажарага бўлиб чиқиш кўп нарсанинг очилишига хизмат қилади.

Марҳум олим Х.Дониёров «Ўзбек халқининг шажара ва мевалари» номли китобида бу ҳақда кенг тўхталган. Мен дарс жараёнида қизиқувчан ўқувчиларим билан биргаликда «Ўлкангизни, авлодингизни биласизми?» номли жадвал тузганман. Унда ҳар бир мухлиснинг исми ва отасининг исми, қайси қишлоқдан, қайси тўпдан, ота-она томонидан алоҳида-алоҳида етти авлоди ҳақидаги саволларга жавоб топган. Сўнг ўзининг қишлоғи номи, ариқлар, сой, канал, булоқ, ҳовуз, жар, чуқурлик, қудуқ, тепалик, тоғ, чўққи, дарахт, ботқоқ, кўл, кўприк, йўл, ёлғиз оёқ йўл, ер, боғ, полиз, мозор, шаҳид, авлиё, муқаддас жой, тошлоқ, қумлоқ, қайси уруғлар яшайди каби саволларга жавоб топадилар. Лекин қизиқарли томони шундаки, улар ўзлари бу ишни ҳал қила олмайдилар. Ота-онаси, эл-уруғи, қишлоқнинг билимдон, кекса кишилари кўмагида бажаришади.

Ўзим эса хўжалигимизда жойлашган қишлоқларни, Боғизоғоннинг ярмини ўрганиб чиқдим ва буларни яқинда чоп этилаётган рисоламда тўлалигича баён қилганман. Рисолада асл ва насл, ватанпарварлик, вилоятимиздан чиққан ижодкорлар, фанимизга улкан ҳисса қўшган тил ва тарих соҳасидаги олимлар, эронийлар ва туркманларнинг Ўзбекистонга келиб қолиши, лаҳжа ва шеваларимиз, Самарқанд, Ургут, Тайлоқ туманларининг фонетикаси, лексикаси, қисман морфологияси, топонимикаси ҳақида баҳолу қудрат баён этганман.

Мамадамин РАЖАБОВ,
Тайлоқ туманидаги 41-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Касб севганни эл олқишлар

ЭЪЗОЗ

Дунёда энг адолатли ва энг шафқатсиз ҳакам вақтдир. Унга ҳамма баравар, у ҳеч кимни аямайди... Йиллар ўтаверади — сочларга «қиров» кўнаверади... Кўз очиб юмгунча қарилик ёшига етиб келганингни ҳам билмай қоласан, киши.

Шу кунларда отахону онахонларимизни пенсияга тантана билан узатиш яхши анъанага айланяпти, чунки инсонни эъзозлаш, унга бахтли лаҳзалар инъом этиш халқимизнинг қонига сингиб кетган хислатлардан бири эмасми? Хўжайли шаҳридаги Жангабой Бекмуротов номли 1-қишлоқ хўжалик лицейида бир варакайига тўрт нафар «олтмишвой»ни пенсияга тантана билан узатиш маросими бўлди.

Ишлаб чиқариш таълими устаси Хўжабой Ишназаров, ўқитувчилар Узоқбой Ўрозов, Собирбой Жиянбоев, бош ҳисобчи Шайхи Жўлмоновларнинг босиб ўтган ибратли йўллари ҳақида касбдошлари тўлқинланиб гапирди.

Шундан сўнг «олтмишвой»ларни Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Таваккал Абдухолиқов, мазкур лицей директори Кудиёр Курбониёзов ва бошқалар самимий табриклашиб, уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тиладилар. Удумга кўра «олтмишвой»ларга сарполар, дўппилар кийгизилди.

Хуллас, ёш авлод камолоти йўлида фидойилик кўрсатган азиз инсонлар элда эъзоз топишди.

Ойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

Бу йилнинг Амир Темур йили деб эълон қилинганлиги халқимиз учун қувончли бўлди. Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 104-ўрта мактаб жамоаси ҳам ушбу қувончдан мосуво эмас, албатта. Устозу шогирдлар деярли ҳар бир дарсда Соҳибқирон бобомизнинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганишга интилишмоқда.

Суратда: зиё маскани директори Абдунаби Орипов ўқитувчилар билан бу борадаги қимматли ишларни режалаштирмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Иқтисодий билимларни ўрганамиз

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

БАЗИС БАҲО — 1) умуман товарлар ва уларнинг айрим гуруҳлари бўйича савдода (экспорт ва импорт) баҳолар индексини аниқлаш учун ишлатиладиган асос. БМТ даврий иқтисодий нашрларида, халқаро ва миллий ташқи савдо статистикасида чоп этилади. Ҳозирги шароитда БМТ статистикасида база сифатида 1980 йилнинг экспорт баҳоларидан фойдаланилади; 2) муайян маҳсулотнинг ташқи савдо баҳосини аниқлашда намуна сифатида олинган ва қайд қилинган, маълум сифатларга эга бўлган буюм баҳоси.

БАНК — КОРРЕСПОНДЕНТ — қ. Мухбир (вакил) банк.

БАЛАНС, мувозанат — муттасил ўзгариб турувчи ҳодиса ёки тушунчанинг нисбатини ифодаловчи курсаткичлар тизими, халқ хўжалигида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини, мақсадга мувофиқ ривожланишини таъминлашдаги зарурий нисбатлар. Халқ хўжалиги соҳалари, моддий, тармоқлараро, тўлов, қиймат, меҳнат ресурслари, ёқилги-энергетика, фойда, асосий фондлар қиймати балансларидан, аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси, бухгалтерия баланси, тўлов баланси ва б. балансларнинг мавжуд.

БАНК — кредит-молия муассасаси; уларнинг энг асосий вазифаси вақтинча бўш пул воситаларини бир жойга тўплаш, корхоналарга ва умуман пулга муҳтожларга кредит, ссуда бериш, пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш, пул ва турли қимматбаҳо қоғозлар чиқариш, олтин ва чет эл валюталари билан боғлиқ муаммоларни бажариш ва бошқалар. Банклар пул қўювчиларга маълум процент тўлаб, қарз олганлардан юқорироқ процент ставкаси ундиради. Ана шу процентлар ўртасидаги фарқдан банк фойдаси ҳосил бўлади. Ҳозирги даврда қуйидаги асосий банк турлари фаолият кўрсатади.

Марказий (эмиссия) банклар («банкларнинг банки») мамлакатларнинг жами кредит тизимига раҳбарлик қилади, давлат пул-кредит сиёсатини амалга оширади, пул ва қимматбаҳо қоғозлар эмиссиясини монопол ҳуқуқда амалга оширади.

Тижорат банклари жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга хилма-хил банк хизмати кўрсатади (депозитларни жалб этиш, вексель ҳисоби, кредит бериш, қимматбаҳо қоғозларни сотиш ва сотиб олиш).

Махсус банклар муайян мижозлар гуруҳига хизмат кўрсатади ёки айрим ҳаракатларга ихтисослашади (инвестицион, жамғарма, савдо, қишлоқ хўжалиги, ташқи савдо, ипотека ва б.).

Кооператив банклар товар ишлаб чиқарувчилар томонидан пай асосида барпо этилади, таъсисчиларнинг кредит ва бошқа банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондиради. Тармоқ ёки территориал принциплар бўйича ташкил топади, тижорат банкларининг бир кўриниши ҳисобланади.

Универсал банклар ҳамма турдаги асосий банк ҳаракатларини амалга оширадиган банклар.

Мулк шаклига кўра давлат банки, акционер, кооператив, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари, аралаш (давлат иштирокида) ва халқаро банклар бор. Ҳозир банклар фаолиятида тижоратлашув, хусусийлашув жараёни кечмоқда.

БАНК БИЛЕТЛАРИ — қ. Банкнотлар.

БАНК ПРОЦЕНТ СТАВКАСИ — банк ссудасидан фойдаланганлик учун белгиланган ҳақ миқдори; қарз суммасига нисбатан процент ҳисобида ундирилади. Масалан, банкнинг йиллик процент ставкаси 8% бўлса, банкка олинган қарзнинг 8% ига тенг миқдорда ҳақ тўланади. Банк процент ставкаси расмий, яъни маълум даврда ўзгармайдиган қилиб белгиланади. Бу давлат олган қарзга, давлат ташкилотлари, молия идоралари векселлари эвазига берилган қарзга, шунингдек, ишончли даромад келтирувчи қимматбаҳо қоғозлар (акция, облигация) ҳисобидан берилган қарзга тааллуқли. Банк процент ставкаси қарзнинг қайси тарзда ва қандай берилишига ҳам боғлиқ. Агар қарз халқаро валютада ёки халқаро облигацияда берилса, банк процент ставкаси юқори, агар миллий валютада берилса, паст бўлади. Узоқ муддатли қарзнинг банк проценти ставкаси юқори, қисқа муддатлисиники паст бўлади. Қарз ёрдам тарзида берилганда ҳам банк процент ставкаси имтиёзли бўлади. Қарз олиб иқтисодий ёки ижтимоий вазифани ечиш мўлжалланса, банк процент ставкаси паст белгиланади. Агар корхона ва ташкилотларни ўз қўлидаги маблағни яхши ишлатишга ундаш зарур бўлса, банк процент ставкаси оширилади. Банк процент ставкаси паст бўлса, корхоналарда хотиржамлик ва боқимандалик кайфиятини туғдиради. Банк процент ставкасининг минимал ва максимал даражаси бор. Минимал даражадаги банк процент ставкаси банкнинг харажатларини қоплаб, зарар кўрмаслигини таъминлаши керак. Максимали эса банкка эл қатори фойда кўришни таъминлаши лозим. Банк омонат (депозит)лар учун тўлайдиган процент ставкалари ссудадан фойдаланганлик учун белгиланган процент ставкаларидан паст бўлади, бу эса банкларнинг фойда олиб ишлашини таъминлайди. Яна қ. Ҳисоб проценти.

(Давоми бор).

(Боши газетамизнинг ўтган сонларида).

Мулоҳаза

ТАРБИЯ НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ

Ўзини Ватан фарзанди деб ҳисоблаган ҳар бир инсон унинг моддий, маънавий бойликларини асраб-авайлаши, уларнинг янада кўпайиши, ривожланиши учун , унинг халқаро обрў-эътиборининг ошишига ўта масъулият билан ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши зарур. Ватан фарзанди бўлишдек шараф инсондан ақл-заковатни, маънавиятни, масъулиятни талаб этади. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илғор марраларга чиқиб олишида ёрдам берган. Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган, ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт!»

Ўзлигимизни англаш, ўтмиш ота-боболаримиз меросини ўрганиш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва янада бойитиш ҳар бир инсон олдига аниқ, кечиктирилмай ечилиши лозим бўлган масалаларни қўймоқда. Дарҳақиқат, ватаннинг етук маънавиятли, фидойи фарзандларини камол топтириш кўпгина ижтимоий, иқтисодий, маданий, тарбиявий омиллар билан боғлиқ. Бу катта меҳнат талаб қилувчи мураккаб вазифадир.

Ҳар бир ўзгариш, кашфиёт, янгиликнинг негизида инсон шахси туради. Демак, аввало, инсонни, унинг дунёқарашини, эътиқодини тарбияламай, ўзгартирмай туриб кўзланган натижаларга эришиш қийин.

Инсоннинг маънавий жиҳатдан камол топишида эса оила муҳим роль ўйнайди. Оила жамиятимизнинг ажралмас зарур қисмидир. Унда инсон дунёга келади. Шу зайлда оила инсониятнинг узлуксиз наслини давом эттирувчи бўлиб қолаверади. Шундан келиб чиқиб, оила иккита улкан вазифани, яъни фарзандларни дунёга келтириш ҳамда уларга тўғри тарбия беришни йўлга қўяди.

Шундай муҳим, буюк мақсадни ўз зиммасига олган ота-оналар олдида шундай вазифалар турадики, уларни унутиш гуноҳдир. Бола ҳаётининг биринчи кунлариданоқ унга соғлом ўсиши ва ривожланиши ҳамда хулқининг шаклланишига ёрдам берувчи ранг-баранг ижобий одатларни тарбиялаш; болаларда ахлоқ маданиятини шакллантириш, уларни умумий қабул қилинган қоидаларга риоя қилган ҳолда уйда, болалар боғчасида, кўчада, жамоат жойларида тарбиялаш; атрофдагиларга ҳурмат билан муносабатда бўлишга, уларнинг ишлари ва қизиқишлари билан ҳисоблашишга ўргатиш; одамларга эл бўлишлик, хушмуомалалик, жонкуярлик, вазминлик, камтарлик, сезгирлик, кўпчиликнинг манфаатлари билан ҳисоблашиш кўникмаларида ўз аксини топадиган жамоатчилик малакалари — катталар ҳамда тенгдошлар билан бўладиган муомала маданиятини тарбиялаш; нутқ маданиятини, яъни одоб билан гаплашиш кўникмаларини, катталарга сизлаб, мулойим ва ортиқча имо-ишорасиз гаплашишга ўргатиш... Бу ишларнинг амалга ошиши кўп жиҳатдан ўқитувчига ҳам боғлиқ. Чунки ўқитувчи — мактабдаги таълим-тарбия жараёнининг асосий ташкилотчисидир. Йигит ва қизларнинг маълумот жиҳатидан умумий тайёргарлик даражаси ҳамда мустақил ижодий тафаккур тараққиёти, тарбияланганлик даражаси дастур ва дарсликларгагина эмас, балки ўқитувчига, унинг касб маҳорати ҳамда фуқаролик хислатларига ҳам таллуқли бўлади. Шу боис педагогика олий ўқув юртларига ўқитувчилик ишига қизиққан ва мойиллиги бўлган ёшларгина қабул қилиниши керак.

Кейинги йилларда муаллимликка қобилиятли ёшларни танлаш борасида кўпгина ишлар адо этилаётир, ёшлар тест синовлари асосида олий ўқув юртларига қабул қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси яхши. Бироқ барибир буни етарли деб бўлмайди. Чунки тестда фақатгина абитуриентнинг билиш доирасини аниқлаш мумкин. Педагогик қизиқиш, педагогик лаёқатга ҳам етарли эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Кўриниб турибдики, педагогика олий ўқув юртлари талабалигига муносиб номзодларни танлаш юзасидан илмий асосланган тавсиялар тизимини ишлаб чиқишни давр тақозо этаяпти.

Кузатишлардан маълумки, психологлар, илмий-тадқиқот марказлари, педагоглар ўқитувчилар тайёрлаш сифатини ошириш йўлларини қилдирмоқдалар. Лекин амалиёт шуни кўрсатиб турибдики, бу тадқиқотлар самараси ушбу кун талабига жавоб бермаяпти. Шунинг учун ҳам кўплаб ўрта мактаб битирувчилари ҳеч қандай тайёргарликсиз, касб ҳақида бирор маълумотга эга бўлмасдан ҳаётга киришмоқда. Бу эса, айниқса, мактабда касб танлаш ишларини тубдан яхшилашни тақозо этади.

Мактабда касб танлаш ишларини жонлантириш учун, биринчидан, ўқув тарбиявий ишларни илмий асосда ташкиллаштириш, иккинчидан, ўқувчиларнинг қобилияти ва лаёқатига мос касбга йўллаш, учинчидан, уларни олий ўқув юртида ўқиш учун тайёрлаш лозим. Агар ушбу омиллар ўқувчида шаклланса, олий ўқув юртидаги таълим сифатлари янада такомиллашган бўлур эди.

Болалар — бизнинг келажагимиз, уларнинг етук кишилар бўлиб етишиши учун ҳамма шароитлар бор деймиз. Аслида ҳам шундайми?! Йўқ! Айниқса, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг кўпайишини нима билан изоҳлаш мумкин? Бу мактаб, ота-она, жамоатчилик ўртасида ҳамкорликнинг йўқлиги натижасидир. Шундай кўприк, боғловчилик ролини психологлар эгаллаши лозим. Демак, мактабда психолог ўқитувчилар ҳам иш олиб бориши керак. Улар таълим-тарбия самарадорлигининг оширилишига, ўқитувчи—ўқувчи ўртасидаги муносабатларни ижобийлаштиришга, ўқувчилар орасида дўстона алоқаларни шакллантиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Иккинчидан, мактаб ўқув режасига «Одобнома» фани билан биргаликда «Психология» фанини ҳам қўшиш вақти етди. Агар бу иш амалга ошса, ўқувчилар инсон психологияси, унинг ривожланиш хусусиятлари ҳақида қўшимча маълумотлар оладилар. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларнинг дунёқарашини, хулқини, ҳаётга бўлган муносабатини кескин ўзгартиради.

Булар, албатта, бизнинг шахсий фикримиз. У балки шу соҳа мутахассисларини кескин музокарага чорлаши мумкин.

Н. МАЖИДОВ,
психология фанлари номзоди, доцент.
М. МАВЛОНОВА,
Ўзбекистон психологлар уюшмасининг аъзоси.

Спорт

Олижаноб, ўзидан кейин яхши ном қолдира олган азиз инсонлардан бири Мамасидиқ Мамажоновдир. У Марҳамат туманидаги Алишер Навоий номли 27-ўрта мактабда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган, ҳалол ва пок мураббий, гўзал фазилатлар соҳиби бўлган устоз-ўқитувчи эди. Устоз мактабда физика фанидан дарс берар экан, ўзининг бутун умрини, ҳаёти мазмунини ёшларни тарбиялашга, уларнинг илмли ва билимдон бўлиб етишишларига сарфлаган эди, десак хато бўлмайди. Шу билан биргаликда, у шахмат ўйини устаси сифатида кўп ёшларга устоз ҳам эди. Минг афсуски, Мамасидиқ ака нафақа ёшига ҳам етмай оламдан кўз юмди.

Яхши кишиларнинг меҳр-мурувватн, ҳиммати, эзгу ишлари ва саховатлари туфайли уларни хотирлаш халқимизнинг одати. Шунга кўра Алишер Навоий номли мактабда яқинда «Ҳамкор» кичик корхонасининг ишбилармон ва зукко тадбиркорлари Абдуманноб Тақабоев ва Абдуллажон Аҳмедовлар ҳомийлигида ҳамда 27-ўрта

ХАЙРЛИ ТАДБИР

мактаб директори Абдуманноб ака Эргашев билан ҳамкорликда устоз Мамасидиқ Мамажонов хотирасига бағишлаб спорт мусобақалари — турнир ўтказилди.

Уч кун давомида мактаб ҳудуди спортчилар билан гавжум бўлди: бу ерда шахмат ва волейбол мусобақалари ўтказилди. 48 нафар шахмат ихлосмандлари иштирок этган мусобақа жуда қизғин ва мароқли ўтди. Шахматнинг Швейцария усулида ўтган бу турнирда тумандаги энг кучли шахматчилар — 5 нафар шахмат усталигига номзод, 19 нафар 1-тоифали шахматчи, шунингдек, устознинг жонажон дўстлари, ҳамкасблари иштирок этдилар.

9 турдан иборат бўлган мусобақада 1, 2, 3, 4-ўринларни усталикка номзодлар Ортиқали Ҳусанов, Иброҳимжон Ҳусанов, Абдуманноб Тақабоев ҳамда Абдурашид Мажидовлар эгалладилар. Энг кекса ўйинчи сифатида 9-ўрта мактаб ўқитувчиси Райимжон ака Адҳамов, энг ёш ўйинчи сифатида 7 ёшли Зиёдбек Ҳусанов, шунингдек, марҳум домланинг дўстлари — Ўрмонжон Розиқов, Акрамжон Дадажоновлар ҳам мукофотландилар. Мусобақа иштирокчиларига ҳомийлар томонидан 28 та, туман ҳокимлигидан 2 та, Умурзоқ Қорабоев жамоа хўжалиги бошқарув ҳайъати томонидан 3 та эсдалик совғалари топширилди.

«Хотира турнири»нинг волейбол мусобақаси ҳам ниҳоятда қизиқарли ўтди. Бунда Асакадаги автоколонна, Марҳамат туманидаги 34-ҳунар-техника билим юрти, У. Қорабоев номли жамоа хўжалиги ҳамда 27-ўрта мактабнинг волейбол командалари иштирок этдилар. Голиблик эса 27-мактаб жамоасига насиб этди. Волейболчиларга ҳам эсдалик совғалари берилди.

Мусобақа сўнгида Мамасидиқ Мамажоновнинг оила аъзолари, фарзандлари, туман ҳокимининг ўринбосари Абдулҳолиқ Турсунов «Хотира турнири»ни ташкил этувчиларга ўзларининг чуқур миннатдорчилигини билдирдилар.

Маърифат ЖАҲОНГИРОВА,
Марҳамат туманидаги 27-ўрта мактаб ўқитувчиси.

МУСИҚАГА ОШНО ҚАЛБ

Нафосат бўстони

Алланинг таъсирими, билмадим, негадир инсон беихтиёр қўшиқ хиргойи қилавераді. Айниқса, мусиқа ихлосмандлари қўлига илинган нарсадан хаёлидаги навони чиқараверади. Норқул ака ҳам етти яшарлигида оддий тахтага иккита симни тортиб, тиринг-тиринг қилиб черта бошлаган экан. Шунга ҳам мана, роппа-роса 42 йил бўлибди. Ҳали-ҳануз Н.Ризаев мусиқага ошно. Худди ўзи сингари орзумандларга Тошкент шаҳридаги 22-болалар мусиқа мактабида устозлик қилмоқда.

Бу ерга раҳбар бўлиб келганига уч йил бўлибдики, қилган ишлари салмоқли. Ўзбек миллий бастакорлари фаолиятига эътиборнинг кучайтирилганлиги, турли дасталарнинг вужудга келганлиги, ойнаи жаҳон билан узвий алоқанинг ўрнатилганлиги каби бир талай ишлар Норқул ака туфайли бўлди. Эндигина бўй кўрсатаётган иқтидорнинг яна-да юксалиши учун хизмат қилаётган бу тадбирларни фақаттина ўз ишини севган, унга умрини бахшида этган кишигина қилиши мумкин. Аслида шундай фидойилар санъатнинг барҳаётлигини кафиллайди. Зеро, қалбига санъат, айниқса, мусиқа ўрнашган инсон ҳаётдан гўзаллик қидиради, яхши ишлар бошини тутади.

Умида РАСУЛОВА.

Суратда: Н.Ризаев ўз шогирди билан.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Футбол, бугун ва эртага

ҚАЛДИРҒОЧ

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин барча соҳаларда бўлгани каби, жисмоний тарбия ва спортни ҳам ислоҳ қилишга киришилди. Фарғонада мазкур футболчилар мактабининг ташкил этилиши ҳам ана шу саъй-ҳаракатларнинг маҳсулидир. Тўғри, бозор иқтисодиёти, иқтисодий қийинчилик бирмунча сезилаётган ҳозирги даврда каттароқ янгилик ясаш ва уни дадил юзага чиқариш осон эмас. Аммо излаган имконият топади, деб бежиз айтишмайди. Хуллас, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, футбол федерацияси, халқ таълими бошқармаси вилоят ҳокимлиги раҳбарлигида болалар ва ўсмирлар махсус футбол мактаб-интернатини ташкил этиш имконини топишди. Бу борада вилоят футбол федерацияси раиси, вилоят ҳокими Мирзажон Исломов бош ташаббускор бўлди. Ҳокимлик 1993 йил 13 майда махсус қарор қабул қилди. Ана шу қарордан сўнг вилоятда катта мақсадни амалга ошириш ишларига жиддий киришилди. Фарғона шаҳридаги 4-мактабда мактаб-интернат учун жой ажратилди. Иқтидорли мутахассис, «Нефтчи» футбол жамоасининг собиқ ўйинчиси Маҳаммаджон Райимжонов интернат раҳбари этиб тайинланди. Мактабда 1994-95 ўқув йили олдидан вилоятнинг турли-туман шаҳарларидан 5-синф ёшидаги 28 нафар иқтидорли бола танлов асосида қабул қилинди. Эндигина оёққа турган мазкур интернатда ўқув-тарбия ишлари ва машғулотлар қатъий кун тартиби асосида ташкил этилди. Меҳрибон, тажрибали мураббий ҳамда тарбиячилар Узбекистон футболининг келажаги бўлган болаларнинг билимдон, маҳоратли ўринбосарлар бўлиб етишишлари учун астойдил бел боғладилар.

Қилинган саъй-ҳаракатлар бесамар кетмади. Масалан, ўтган йили биринчи қалдирғочларнинг «Омад» командаси аввал Фарғона шаҳри, Қиргули тумани ҳамда вилоят касаба уюшмалари футбол мактаблари командалари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказиб, уларнинг барчасида муваффақият қозонди. «Омад» кейинчалик Фарғона тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг Чимёнда ўтказилган 3-очиқ турнирида ҳам фаол қатнашди. Унда интернат тарбияланувчилари 12 команда орасида биринчиликни эгаллашди. Эътиборли жойи шундаки, мазкур мусобақада «Омад» вакиллари — дарвозабон Ғайрат Ҳасанов, ҳимоячи Жамшид Қўлдошев, ярим ҳимоячи Умид Юнусов, ҳужумчи Жасур Солиевлар турнирнинг энг яхши иштирокчилари деб тан олинди. Улар фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Шунингдек, ёш қалдирғочлар «Ёшлик» совринни учун ўтказилган футболчилар беллашувининг Фарғона ҳудуди ғолиби ҳам бўлишди.

Узининг бир йиллик тўйини нишонлаган мазкур таълим-тарбия мактабининг муваффақиятлари кўп бўлиши билан бир қаторда, режалари ҳам бисёр. Жамоа утган давр мобайнида маълум даражада шаклланди ҳамда сон ва сифат жиҳатидан анчагина улгайди. Бултурги қабул миқёс ва географик ўрин кўриниши томонидан яхши самара берди. Танловда 1984-85 йилларда туғилган 50 нафар бола қатнашди. Синовдан ўтган 32 киши интернатга қабул қилинди.

Қабулнинг ўзига хос хусусияти шундаки, интернат маъмурияти ҳар йили ўз дастурига асосан барча шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларига май ойида вакил юборишини сўраб махсус хат чиқаради. Хатда ҳар бир ўқувчи талаби миллий футболни ривожлантириш экан, шу ишга дахлдор ташкилот раҳбарлари унинг моҳияти ва масъулиятини чуқур англаб етишлари керак бўлади.

Зиё масканида тарбияланувчилар учун босқичма-босқич зарур шароитлар яратиб берилган. Владимир Касаев, Азимжон Раҳимов, Бахромжон Жамолхўжаев, Юрий Великанов каби мураббийлар, фан муаллимларидан Замирахон Жўрабоева, Матлубахон Ҳайитова, тарбиячилар Пулатхон Сайфуллаева, Холисхон Умарова, Ҳамида Қодирова, ҳамшира Нина Кокориналар эса болалар соғлигини мунтазам ўз назоратлари остига олишган.

Ўқувчиларнинг овқатланиш даражаси ҳам утган йилгига нисбатан бирмунча яхшиланди. Шинам ётоқхонада юмшоқ диван-каравотлар бор. Бу ердаги маданий-маиший ҳаёт кунгилдагидек ташкил этилган.

Бир сўз билан айттанда, вилоятнинг кенжатой спорт мактабида келажак юлдузлари қад ростлаяптпи. Бунинг оқибатида баъзи ота-оналар ёши етмаган ёки каттароқ ёшдаги болаларни олиб келишади. Бошқа бировлар эса айнан танлов куни ёки синов ўтиб кетганидан кейин мурожаат қилишади. Бу ҳол мактаб мутасаддиларини қийин аҳволга солиб қўяётир. Бугунги кун талаби миллий футболни ривожлантириш экан, шу ишга дахлдор ташкилот раҳбарлари унинг моҳияти ва масъулиятини чуқур англаб етишлари керак бўлади.

Ҳасанбой ҲОШИМОВ,
Аваз ҲАЙДАРОВ.

Хуллас...

САККИЗОЁҚ «РАССОМ»

Шарқий Хитой денгизининг Акусени оролида саккизоёқлар фермаси мавжуд. Ферма хўжайини Дзинтано Кахомара жониворлар маълум оғирликка етгач, уларни ресторан хўрандаларига жўнатади.

Яқинда фермага табиат шайдоси, рассом Ито Исихара ташриф буюрди ва махсус кўприкчага ўрнашиб олиб, гўзал манзарани чиза бошлади. Бу орада рассом зарур бир иш билан кўприк — иш жойидан узоқлашди. Келиб қараса, кўприкча устидаги йиғма стул, соябон ва мўйқалам жойида йўқ. Уларни саккизоёқлар янгича овқат сифатида олиб, сувга шўнгишибди шекилли, йўқолган жиҳозлар топилмади.

УЧ ЛИТР ТИЛЛА...

Меҳнат-тарбия колонияси инсонни тарбиялямайди, дейдилар. Лекин Русиянинг Стерлитамак меҳнат-тарбия колониясидаги воқеа бу гапни исботламади. Гап шундаки, хонадонга ўғирликка тушиб, оқибатда бу «даргоҳ»га келган ўспирин муддатидан олдин озодликка чиқишга ҳаракат бошлади. Ана шунда у тўсатдан яна бир жиноятига иқрор бўлди. Ўсмир милиционерлардан уйининг ертўласига кириб, 3 литрлик банкани келтиришларини сўради. Ундаги сирға, узук ва бўйинга тақадиган занжирнинг ҳаммаси тилладан экан... Ўсмирни муддатидан олдин озод қилишди.

КЎКДА ҲАМРОҲ ПАРИВАШЛАР...

Бу сатр машҳур ҳофизимиз Шерали Жўраевнинг «Олтин қанот» қўшиғидан. Бунда у стюардесаларни назарда тутган эди. Ҳикоямиз эса, жавон, яъни эркак стюардес ҳақида. Тўғриғоғи унинг самолёт салонидаги эҳтиётсизлиги «Малэйшн аэлайнс» компаниясига 50 минг долларга тушди. Кўкда ҳамроҳ бу «мажнунваш» салондагиларга хизмат қилаётиб, 9 ёшли боланинг устига қайноқ кофени тўкиб юборди ва унинг 15 кун касалхонада даволанишига сабаб бўлди. Суд болани «азобда қолдиришгани учун» авиакомпаниядан жабрланувчига 50 минг доллар ундириб берди.

МУЗ УСТИДАГИ ШАҲАРЧА

Америкада кўл музини ёриб балиқ овлаш авжига чиқиб бормоқда. Айрим балиқчилар ўзларига кичик уйчалар ҳам қуриб олишган. Улар муз устидаги уйчанинг ичида яхни тешиб қармоқ ташлашади. Балиқчилар дам олиш кунлари ҳам бу кулбачаларида оилалари билан яшашади. Шу тариқа Миннесота штатидаги кўллар устида ғаройиб шаҳарчалар «барпо» этилган.

ана шунақа гаплар.

Қува туманидаги 21-мактаб жамоаси шу мактабнинг собиқ директори Шукурхон ая БОБОЖОН қизи вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига, қариндошуруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТАРИХГА МЕҲР

Ўтмишга янгича назар билан боқиш бугунги кунимизнинг талаби эканлигини ҳис қилган мактабимиз маъмурияти тарихни, айниқса, Темур ва темурийлар даврини чуқур ўрганиш мақсадида махсус ўқувлар ташкил этди.

Шунингдек, мактабдан ташқари тарбиявий тадбирларни дарс соатлари билан қўшиб олиб бориш учун «Темурийлар сулоласининг тарихий тақдири» мавзусида саккиз бўлимдан иборат йиллик ўқув режаси ҳам тузилди.

«Темурийлар тарихи» деворий газетасини чиқариш, илмий-бадиий кечалар, тарих ҳафталигини ўтказиш, илмий-назарий конференциялар «Амир Темур ўқув хонаси»ни жиҳозлаш ва шу билан бир қаторда қўшимча факультатив машғулотларни ўтказиш чора-тадбирлари ўқувчиларимиз онгида тарихга нисбатан айрича меҳр уйғотмоқда.

Иззат БЕГАШЕВ,
Нурота тумани, 45-мактаб тарих фани ўқитувчиси.

«Маърифат» газетасининг шу йил 17 февраль сонидаги «Эътиборга молик арзимас нарсалар» сарлавҳали мақолани ўқир эканман, ёшлигимда шахсий кутубхона ташкил қилганим ёдимга тушди.

Бу воқеа 30-йилларда бўлганди. Амакимнинг китобларини бошқа хонага кўчиришга ёрдамлашдим. Шунда амаким (раҳматли) менинг қизиқиб ишлаётганимни кўриб, сен ҳам шундай кутубхона қилишинг керак, дедилар. Сўнг қўлимга 5—10 китобни тутқазиб, бу ишга ҳозироқ киришишимни айтдилар. Шу-шу амаким берган китоблар бўлгуси кутубхонам учун «қўр» бўлди. Ҳозир ҳам бойгина кутубхонамни кўздан кечира туриб, уни ташкил қилишга сабабчи бўлган

Қиссадан ҳисса

КУТУБХОНА — ШАХСИЙ МУЛК

амакимдан беҳад миннатдор бўламан...

Фикримча, ҳар бир ўқувчининг шахсий кутубхонаси бўлиши керак. Улар ҳам амакилари, опалари, акалари, амма-холаларининг токчаларида чанг босиб ётган китобларини тўплаб, ўз кутубхоналарини ташкил қилсалар ва бу китоблардан фойдаланса-лар, ўқувчилар орасида китобга қизиқиш яна ҳам кучаярмиди? Менимча, синф раҳбарлари ҳар бир синфда бу ҳақда суҳбат ўтказишлари, бирор ўқувчи кутубхонаси мисолида сўзлаб, унинг тажрибасини оммалаштиришлари, қолаверса, кутубхона ташкил қилиш бўйича синфлараро мусобақалар ташкил этишлари ўқувчилар китобсеварлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Моҳирлик билан тузилган уй кутубхонаси, келажакда ўқувчи олий ўқув юртида ўқийдими, бирор касб эгаси бўлиб етишадими, унга асқотиб, ҳатто унинг ўғил-қизларига ҳам бир умр хизмат қилади.

Ҳикмат СОБИРОВ,
иқтисод фанлари доктори.

ҲАЙКАЛ

(Ҳажвия)

Шу десангиз, мактабга директорлик қилиш ҳам осон иш эмас. Мирмўмин муаллимнинг директорликка сайланганига уч ойдан ошибди-ю, ҳалигачаям мундоқ ишни қолипга тушириб ололмайди. Қийин-да! Ҳозирги замон бутунлай бошқа. Ўқитувчиниям, ўқувчиниям илгаригидай тергай олмайсан. Бунга ҳаққинг йўқ. Биронтасини уришиб кўрчи?

Мана, тергашнинг, талаб қилишнинг оқибати. Туппатузук одамнинг ҳайкалини калласидан жудо қилиб кетишибди. Лекин, дўппи тутган қўлига тегишмабди. Хайрият, шунисигаям шукр. Умуман, бу — директорга нисбатан бир огоҳлантириш бўлса керак-да!..

Мирмўмин муаллим ҳайкал қаршисида тик турганча узоқ ўйлади. Обдон бош қотирди. Албатта, ҳайкалнинг бошини янгилаш чорасини излади. Қуриб кетсин. Аксига олиб эртага республикадан текшириш бор. Нимадир қилиш керак.

Мирмўмин муаллим ҳаммани бирдан оёққа турғазди. Ўқитувчилар, ўқувчилар, техник ходимлар — ҳаммаҳаммаси ҳайкалга бош қидириб кетишди. Кун чошгоҳдан ўтганда кимдир (қаердан ўғирлаганини айтмади) янгигина, силлиққина, ҳатто чиройлик Чуст дўпписи ўзига ярашиб турган каллани аллақаердан олиб келиб, ҳайкалга яхшилаб ўрнатди-қўйди. Ҳаммаси жойида. Лекин... Дўппи қурғур иккита бўлиб қолди-ю?

Ҳамманинг боши қотди. Ахир, жуда қизиқ бўладику!..

— Қўяверинглар, — тўнғиллади Мирмўмин муаллим, — келган комиссия дўпписига қараб ўтирармиди? Умуман, ҳайкал билан кимнинг иши бор?

Бу гапдан ҳамманинг кўнгли анча тинчланди. Эртаси кун Мирмўмин муаллим мактабга барвақт етиб келди. Қилиниши зарур бўлган ишларни бирма-бир кузатиб чиқди. Ҳаммаси кўнгилдагидек.

— Энди келаверсин, — ўқитувчиларга мақтаниб қўйди Мирмўмин муаллим. Шу пайт ташқарида машина келиб тўхтагандек бўлди. Ҳаммалари югуриб ҳовлига чиқишди. Текширувчилар экан. Аммо улар ҳамма насани унутиб, негадир ҳайкалга термулганча қотиб қолишганди. Салом-аликдан сўнг текширувчилардан бири (каттаси бўлса керак) Мирмўмин муаллимга шошилинч савол берди:

— Домла, айтинг-чи, нима учун ҳайкалнинг дўпписи иккита?

— Биласизми, — талмовсирай кетди Мирмўмин муаллим, — бизнинг Қўқон шароитида шамол кўп бўлади. Шуни ҳисобга олиб, ҳайкалга иккита дўппи «заказ» қилганмиз. Мабодо, кучли шамол келиб бошидагисини учириб кетса, қўлидаги дўппини кийиб олаверади...

Олимжон ҲАЙИТ.

ТИНЧЛИК КОРПУСИ – ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА

IN ENGLISH

March 1996 Issue No. 15 *English Teachers' Newsletter of Uzbekistan*

Letter From the Editors,

When speaking with teachers and students throughout Uzbekistan one of the questions people ask us most is, "What is education like in America?" Well, that question requires a very long answer and is often different for different Americans. But there are facts. And even though facts don't tell the whole story they are a good place to start.

In 1988 there were 29.4 million students enrolled in elementary school (ages 5 to 13). There were 16.4 million students enrolled in High School (ages 14 to 18). There were 12.5 million students enrolled in College.

Most students go to Public schools and colleges which are free or else cost very little. There were 49.9 million students in Public schools in 1988. Private schools and colleges enrolled 8.5 million students. In 1988 2,419,700 students graduated from Public High School.

In 1986 more than half of all High School graduates enrolled in College. There were 987,823 Bachelor's degrees given, 288,567 Master's degree given and 33,653 Doctorates given. These are the three types of University degrees students may earn. A Bachelor's degree usually takes about four years to earn and a Doctorate can take up to seven, eight, even nine years to earn.

We hope these facts help answer some of your questions and that they give you an idea of what the educational system is like in America.

Sincerely,

Joe Dalsin
Anne Hauk
Editors

A GOOD IDEA

Farida Usmanova
Alishir Navoi Arts School
Tashkent

The lesson is going. The pupils are tired. It's time for a rest and I say to my pupils, "Please sit comfortably, close your eyes and repeat after me: *'I keep six honest serving men. They taught me all I know. Their names are: What and Why and When and How and Where and Who. . .'*"

Then the students want to know what it means. I give them the translation of all the words and word combinations. We memorize it over time. Now all of my pupils know it.

The benefits of having students learn short poems such a this include vocabulary building; the students learn more words this way. We can work with the same lines again and again. In asking the students to name the nouns or the verbs, or what tense is used, there are even more benefits.

In addition, one can have the students complete some sentences (cloze exercises) with lines from the poem. Or you may use your own poem using these words and word combination. This is my idea. It's not great but it helps me in my work.

GAMES: Blackboard Races

Jennifer Sandman, Joy Connery, and Beke Kulyevna
Turkmenistan

Level: Beginning
Time: 10 minutes
Purpose: Listening Comprehension; Vocabulary Review

Races are among the easiest, fastest, and most enjoyable warm-up games. They force your students to think very quickly, with no time for mental translation to Uzbek or Russian.

Let's start with a numbers race:

HOW TO PLAY:

Have two students come up to the blackboard. When you say a number--for example, "two hundred seventy-three"--your students must race to write it--"273." Whoever writes the correct number first is the winner. Play several times, then declare a winner and have two new students come to the board.

This very simple format can be used to practice a wide variety of vocabulary. For example:

*Say the names of fruits or vegetables and have the two students at the board race to draw them.
*Say a verb and have the two students at the board race to write its past tense verb form.
*Say a word and have the students race to write its antonym.
*Say a word and have the students race to write its synonym.
*Draw a clock on the board (or show cards with clocks drawn on them) and have two students race to say the correct time.

This is a forum for local and foreign English teachers working in Uzbekistan. If any school, institute or university teachers would like to write an article for IN ENGLISH, the English Teachers' Newlsetter of Uzbekistan, please submit your idea to a Peace Corps Volunteer or write to the following address.

TASHKENT
BOX 476
ENGLISH TEACHERS' NEWSLETTER

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Олимжон Ҳайит.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0202. Тиражи 39710. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6